

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**МАДАНИЯТЛАРАРО АЛОҚАЛАР, ТАҲРИР ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

МАМБЕТИРЗАЕВА НЕСИБЕЛИ МУҲАММЕДСАДИКОВНА

**АСҚАД МУХТОРНИНГ МУҲАРРИРЛИК ФАОЛИЯТИ
(“ГУЛИСТОН” ЖУРНАЛИ 1970-1981 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)**

**5320400- халқаро журналистика таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”
“Маданиятлараро алоқалар, таҳрир
ва адабиётшунослик” кафедраси
мудири
_____ ф.ф.н., доц. Ш.Тўйчиева
2013 йил “_____” _____**

**ИЛМИЙ РАҲБАР:
_____ доц. М.Саъдинов
2013 йил
“_____” _____**

ТОШКЕНТ-2013

Химояга рухсат этилди:

Факультет декани: _____ **А.Нурматов**
Кафедра мудири: _____ **Ш.Туйчиева**
Илмий раҳбар: _____ **М.Саъдинов**
Расмий тақризчи: _____ **Ф.Жабборов**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: “Асқад Мухторнинг муҳаррирлик фаолияти”
(“Гулистон” журнали 1970-1981 йиллар мисолида)

**ДАҚ қарори: ўзбек гурухи талабаси Мамбетирзаева Несибели
Муҳаммедсадиковнанинг
битирув малакавий иши «_____» га баҳолансин.
«_____» _____ 2013 йил**

ДАҚ раиси: **А.Раҳимов**

ДАҚ котибаси: **Ф.Раҳимова**

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3- 7
I Боб. Асқад Мухтор хаёти, ижоди ва мухаррирлик фаолияти	
1.1 Асқад Мухтор: ижодкор ва шахс	8-14
1.2 Адибнинг журналистик фаолияти.....	15-22
1.3. Асқад Мухтор публицистикаси.....	23-27
II Боб. Асқад Мухтор – “Гулистон” журнали бош мұхаррири	
2.1. Журналдаги ижодий мұхит: “Гулистон” таҳрир мактаби.....	28-39
2.2. “Гулистон”нинг маҳсус сөнлари.....	40-43
2.3. 1970 — 1981 йилларда журналдаги жанрлар хилма-хиллиги, рукилар.....	44-60
Хулоса.....	61-64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	65-66
Илова	

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги.

“Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай кудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас.

Шу сабабли ҳам оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш, матбуотда танқид руҳини кучайтириш биз учун энг муҳим мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз ҳаётий принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга интилиши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждан амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.”¹

Жамият кўзгуси ҳисобланган журналистлар инсонларнинг маънавий дунёсини бойитиш, тарбиялаш билан бирга уларнинг маълум маънода фикр-ўйи, дунёқарашининг шаклланишига сабабчи бўлишади. Шунинг учун биринчи масала — билимли, тажрибали, ишнинг кўзини билгувчи, моҳир журналистларни тарбиялаб чиқаришдан иборат.

“Миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга”², — деган эди Президентимиз.

Бир ҳақиқат борки анъанавийлик ва янги омиллар қонуни абадийдир! Ҳар бир журналист, ҳар бир публицист ўзидан аввалги даврнинг моҳир журналист ва публицистлари қолдирган бой мерос билан қуролланган бўлиши, ундан ижодий фойдалана олиши лозим. Шу билан бирга бу анъаналар асосида янги ижодий кашфиётлар яратиш ҳам ҳар бир ижодкорнинг бурчидир!

Аскад Мухтор дедилар:

¹ Каримов.И.А.Юксак маънавият — енгилмас куч.Т.: Маънавият,2008.

² Каримов.И.А.Миллий камолот йўли. Т. Ўқитувчи. 2011й. 23 бет.

“Ҳар қандай янгилик — бир вақтлар унтилган эскилиқдир”.

Шундай экан биз ўз-ўзидан эмас, ўтмишни, боболаримиз ҳаёти ва ижодини ўрганган ҳолда буюк кашфиётлар яратамиз. Айниқса, бугунги кунда чексиз имкониятлар замонида ўқиб ўрганишга, изланишга барча шароитлар яратилган. Айниқса ҳозирда журналистика соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳаттоки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29- моддасида “Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга” деб келтирилган. Қувонч билан айтиш лозимки, Президентимизнинг журналистларга айтган ҳар бир фикри замарида юрт тақдири ва унинг келажаги йўлида хизмат қилаётган, ахборот етказиш борасида вазифасини бажараётган журналистларга бўлган катта ишончни кўрамиз:

Хаммамиз яхши тушунамизки, ОАВнинг вазифалари хам улар олдига куйиладиган талаблар хам кўп. Лекин энг муҳими, ҳаёт ҳакикатини тўлақонли акс эттиришдан иборат. Чунки ҳақиқат журналистиканинг ўзгармас ва доимий шарти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши зарур. Айни вақтда матбуот ва эфир оркали ҳақиқатни ёритиш, одамларга етказиш ҳар қайси журналистнинг билим ва тажрибаси, унинг профессионал маҳорати ва гражданлик позициясига боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.³

Барча журналистларга бу борада намуна ва ибрат бўла оладиган Асқад Мухтор шахсини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунки, инсоният ҳамиша мукаммал жамият бунёд этиш иштиёқида яшаган, шу ниятда турли замон ва давронларда не-не тузумларга асос солган. XXI асрнинг аввалига келиб мана шундай орзудаги жамиятнинг таърифи “демократия” деб аталмоқда. Одамларнинг фаровонлиги, жамиятларнинг тараққий этганлиги, мутлоқ адолатли мувозанат ўрнатиш мезонлари ҳам мазкур ва тотли “демократия” сўзи билан ифодаланади.

³ Каримов.И.А Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.Т.:Ўзбекистон, 2009.

Олий мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида Президент мамлакатда олиб борилаётган ислоҳатлар жараёнларини янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг галдаги устувор йўналишларини белгилаб берди. “Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқораларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир” - деб номланган учинчи устувор йўналиш, ҳеч шубҳасиз, миллий матбуотчилигимиз равнақини янги бир босқичларга кўтаришда янги саҳифа очади.⁴

Тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари.

Инсон фақат буюк мақсадларни амалга ошириш орқалигина ўзини бошқалар учун йўлчи юлдузга айлантирадиган буюк характерни намоён қила олади, — деган эди Гегель. Асқад Мухтор ўзбек адабиёти ва журналистика соҳасида ана шундай буюк ишларни амалга оширган йўлчи юлдуз эди. Шу сабаб ҳам унинг журналистика соҳасидаги изланишларини давом эттириш мақсадида адаб мұҳаррирлик қилган “Гулистон” журналининг 1969-1981 йиллардаги фаолиятини ўрганишни, ижобий томонларини бугунги матбуотда қўллашни мақсад қилганман. Асосийси, ОАВ, жумладан матбуотнинг тараққий этиши учун қандай усул қўллаш кераклиги, матбуот ўз мақомини сақлаб қолиши учун нималарга аҳамият бериш лозимлиги “Гулистон” журнали мисолида ўрганилди. Журналнинг ўн йилдан ортиқ даврда чоп этилган сонларини таҳлил қилиш орқали белгили бир хulosага келиш, эришилган натижани бугунги кун билан таққослаш, ҳозирда матбуотда учрайдиган камчиликларни кўрсатиш ва тузатиш учун қатор таклифлар бериш, юксак технологиялар даврида жамиятда матбуотнинг ўз ўрнига эга бўлиши учун курашиш кераклигини тушунтиришдан иборат.

⁴ Каримов.И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Т.: Ўзбекистон, 2005.

Тадқиқот ишининг ўрганилганлик даражаси.

Асқад Мухтор хақида кўплаб илмий-бадиий китоблар чоп этилган, адаб ҳаёти ва ижоди ўрганилган бўлса ҳам унинг “Гулистан” журналидаги бош мұхаррирлик фаолияти батафсил ўрганилмаган. Журналнинг бошқалар эътибор бермаган ва ўрганишга арзийдиган ўзига хос хусусиятлари эса кўп.

Тадқиқот ишининг обьекти ва предмети.

Мавзунинг предмети Асқад Мухтор шахси, ижоди, журналистик фаолияти, “Гулистан” журналининг тарихи, ўзига хослиги, ривожланишини ўз ичига қамраб олади.

Тадқиқот обьектига “Гулистан” журналининг 1969-1981 йиллардаги сонлари киради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

“Гулистан” журналида бошқа матбуот сахифаларида кузатилмаган шакл, ўзига хос йўналиш бўлган. Иккинчидан, бош мұхаррир Асқад Мухтор тархририятда ўзгача бир муҳит (тахрир мактаби) ни шакллантирган. Аввал ҳам кузатилмаган ва ҳозирги кунда ҳам учрамайдиган бир янгилик “Гулистан” журналининг “махсус сонлар”и тадқиқот ишида ўрганилди. Шунингдек, Асқад Мухторнинг журнални чоп этишда қандай принципларга таянганлиги, журналдаги жанрлар хилма хиллиги, рукнлар ўрганилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Битирув малакавий иши натижаларидан ОАВ да фаолият юритаётган ходимлар ўзига дастуриламал сифатида фойдаланиши, унинг ижобий томонларини кўллаган ҳолда сифатли маҳсулот — газета, журнал чоп этиши, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ўқувчига маълумотни етказиш йўлини

топиши, ўз жамоасида фаол, изланувчан ходимларни, сўзи ўткир журналист ва муаллифларни йиғишга эришиши мумкин.

Яна битта аҳамиятли томони, ҳар бир ижодкор қайси жанрда мақола ёзаётганлигини билиши учун ҳам “Гулистон” журнали тажрибасига таянса бўлади. Бошқа ОАВ ҳам бу жиҳатдан журналдан тажриба ўрганиши керак!

Битирув малакавий ишининг тузилиши

Тадқиқот иши тузилиш жиҳатидан кириш, иккита боб ва олти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

І БОБ. АСҚАД МУХТОР ҲАЁТИ, ИЖОДИ ВА МУҲАРРИРЛИК ФАОЛИЯТИ

1.1. АСҚАД МУХТОР: ИЖОДКОР ВА ШАХС

Ёзувчига бўлган муҳаббат гўзал сўзга бўлган муҳаббатdir. Халқ юрагига яқин гўзал сўзни топа олиш тинимсиз ва мاشаққатли меҳнат эканлигини кўплар тушунишади, юракдан ҳис этишади. Бир китобда ўқиган эдим: заргарлик дўконлари растасида супурувчи бўлиб ишлаб юрган йигит бир гўзал қизга кўнгил қўяди. Ҳаётда заррача ҳам меҳр-шафқат, баҳт кўрмаган қиз одамларни гүё баҳтли қиласидиган тилла гул ҳақида орзу қиласиди. Йигит содда қизнинг ана шу эзгу орзусини рўёбга чиқазиш ҳақида ўйлади. У зўр мاشақат билан тўплаган тилла зарраларидан гул ясатиб, тақдим этмоқчи бўлганида, қизнинг нону насиба излаб узоқ мамлакатга кетиб қолганини эшигади. Орзуси рўёбга чиқмаган йигит ўлиб кетади. Унинг мешақатли меҳнати ва муҳаббати тимсол бўлган тилла гулни заргар бир таниш адибга сотиб юборади.

Бу воқеада катта ҳақиқат ифодаланган. Ёзувчи сабот-матонат, тинимсиз мешақатли меҳнат билан тилла зарралари — гўзал сўз қидиравчи, ундан тилла гул, бадиий асар яратувчи меҳнат соҳибидир. Ана шундай гўзаллик изловчилардан бири — заҳматкаш адиб Асқад Мухтор ҳақида ҳикоя қилимоқчимиз⁵.

Асқад Мухтор 1920 йилнинг 23 декабря Фарғона шаҳрида ишчи оиласида туғилган. У 11 ёшга кирганда отаси вафот этган. Шундан сўнг болалар уйида таълим-тарбия олган.

Унда фанларни пухта ўзлаштиришга, бадиий ижодга бўлган қизиқиши учрайиб борган. 1936 йилда Фарғонадан Тошкентга келган ва журналистика курсида ўқиган. Уруш йилларида эса ўқишини ЎзДУда давом эттирган. 1943-

⁵ Тоғаев О. Асқад Мухтор. Тошкент. Бадиий адабиёт нашри, 1966.

1945 йилларда Асқад Мухтор Андижон педагогика институтида дарс берган. Шундан кейинги иш фаолияти эса газета-журналлар билан боғлиқ ҳолда кечган. Унинг ilk шеъри 1935 йилда босилиб чиққан бўлса, 1938-1940 йиллар давомида “Тилак”, “Абадият”, “Тотли дамлар”, “Шеър ва ҳаёт” каби бир қанча шеърлари республика газета ва журналларида эълон қилинган. 1939 йилда унинг “Бизнинг авлод” поемаси нашр қилинган.

Асқад Мухтор устозлари F.Ғулом, Ойбек, X.Олимжон, M.Шайхзода, Миртемирлар, тенгдошлари Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Шухрат, Шукруллолар билан бир қаторда ўз замонасининг долзарб мавзуларидаги шеъриятини яратишда фаол иштирок этган. Шу даврда ёзилган “Буқуннинг хитоби”, “Она хурсанд”, “Ғалаба ишончи”, “Жангчининг байрам кечаси”, “Софиниш” каби шеърлари шулар жумласидандир. Гарчи бу шеърларнинг барчасини ғоявий-бадиий жиҳатдан мукаммал деб бўлмаса-да, кейинчалик шоир услубида мухим ўрин тутган алломатлар кўзга ташланади. Асқад Мухтор ўз ижодий изланишларини изчил давом эттирган ва 1966 йилда чиққан “Шеърлар” тўпламига ёзган “Сўзбоши”сида шундай дейди:

“Ўттиз йил давомида шеър ҳақида тинимсиз ўйладим. Унинг ифода шакллари, воситалари, рухи ҳақидаги фикрларим жуда кўп марта ўзгарди: шеър турмуш ўчоғидан олинган лахча чўғ, у ҳаётий эпизодга асосланган бўлиши керак, деб, шеърнинг бошқа турларини тан олмай анча йил юрдим; шеър – ялт этган олий туйғу, завқ-шавқ түғёни, уни факат музика жанрлари билан қиёс қилиш мумкин”.

Асқад Мухтор ижодкор сифатида самарали меҳнат қилган. Унинг “Пўлат қуювчи” (1947), “Ҳамشاҳарларим” (1949), “Раҳмат Мехрибонларим” (1954), “Чин юракдан” (1956), “99 миниатура” (1962), “Карвон қўнғироғи” (1964), “Шеърлар” (1966), “Қуёш беланчаги” (1971), “Сизга айтар сўзим” (1978), сингари шеърий китоблар бор. Ўзбек шеъриятига чукур тафаккур ва мураккаб туйғулар тасвирини олиб кирган шоир.

Шоирнинг маҳорати шундаки, у энг оддий турмуш воқеаларига ҳам ўзига хос поэтик бўёқ бера олади, бу воқеаларнинг фалсафий ва эстетик

моҳиятини ёрқин очади. Оддий кундалик ҳаёт воқеалари унинг шеърларида, айниқса, шеърий новеллаларида катта мазмун касб этади ва зўр эмоционал таъсир кучига эга бўлган поэтик лавҳаларга айланади. Шеърларида халқ ҳаётини чуқур кузатиш, ўткир мушоҳада натижасида вужудга келган ибратли ҳодисалар ҳам ҳикоя қилинади.

Сталин қатоғонлари даврида адабиётга кириб келган Аскад Мухтор ва унинг тенгдошларини муддиш замон эзиб ташлаган эди. Лекин Аскад ака ҳеч қачон, замон йўл қўймади, ёмон даврда яшадим, деб нолиган эмас. Шоир бир миниатюрасида шундай ёзади:

Шоир шоир бўлар сенинг туфайли,
Қанча тўлғансанг ҳам, о, замон!
Давул туриб шамим ўчса, майли,
Чақмоқ ёруғида ёзаман.⁶

Аскад Мухтор лирикасидаги поэтик оригиналлик янги ташбеҳлар, янги фикр ва деталлардагина эмас, балки сиёсий, маънавий, эстетик жиҳатдан баркамол шоир шахсиятининг таъсирли ифодаланишида ҳам яққол кўринади.

Аскад Мухтор шеърлар ёзиш билан бирга прозаик сифатида “Дарёлар туташган жойда” (1950), “Қорақалпоқ қиссаси” (1958), “Бухоранинг жин кўчалари” (1980), “Жар ёқасидаги чақмоқ” (1982), “Кумуш тола” (1987) қиссалари, “Опа сингиллар” (1955), “Туғилиш” (1960), “Давр менинг тақдиримда” (1964), “Чинор” (1969), “Аму” (1984) романларини ёзган. Бу асарларида инсон маънавиятининг қадри, одамнинг бош фазилати ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонийлик эканлигини самимий тасбирланади.

Софокл, Тагор, Пушкин, Лермонтов, Блок, Маяковский сингари адибларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилган. У бутун умрини ижодга ва адабиётга бағишилаган. Доим изланишда бўлса ҳам ҳеч қачон ўзидан қониқмаган...

Даврдаги ўзгаришлар, замонасининг муаммолари ҳам А.Мухтор ижодида ўз аксини топди. Масалан, буни “Тушларим, безовта тушларим”

⁶ Абдулла Шер. Аскад Мухтор замондошлари хотирасида. Маънавият, 2003.

шеърида яққол кўришимиз мумкин. Асқад Мухторнинг серқирра ижодида воқеликни рамзий воситалар ва тимсоллар орқали идрок этиш усули ҳам алоҳида ўрин тутади. Буни “Майса мавж урап”, “Хазон”, “Товушлар”, “Умр”, “Боғим”, “Нихол”, “Тонг”, “Ўзак”, “Аму”, “Бойчечак” каби шеърлар мисолида кўрамиз. Асқад Мухторнинг 1946 йилда Бекободда бўлган ижодий сафари натижасида “Пўлат шахри” очерки, “Пўлат қуювчи” поемаси, “Дарёлар туташган жойда” повести вужудга келди. Асқад Мухтор қирқинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб насрй эпик жанрларда куч синашга киришган эди. У 1950 йилда “Пўлат шахри”, 1956 йилда “Ҳаётга чақириқ” номли очерк ва ҳикоялар тўпламларини нашр эттирди. Улар адаб қаламининг янада ўткирлашувида муҳим рол ўйнади. “Ҳаётга чақириқ” тўпламига кирган “Оксана”, “Доф”, “Хайри” каби ҳикоялар Асқад Мухторнинг характер яратиш маҳорати аста-секин ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Асқад Мухторнинг “Опа-сингиллар” романи ҳам унга анча муваффақият келтирди. Унинг бош муаммоси хотин-қизлар озодлиги масаласи эди. У 1958 йилда “Қорақалпоқ қиссаси” повестини, 1961 йилда “Туғилиш” романини нашр эттирди. “Давр менинг тақдиримда”, “Чинор” каби романлари ҳам 60-йиллар прозасида алоҳида ўрин тутади. Адаб “Давр менинг тақдиримда” асарини “Уч фасл достони” деб ҳам атайди. Бунда у урушдан олдинги, уруш давридаги ва ундан кейинги йилларни назарда тутади. Асарнинг бош қаҳрамони Аҳмаджон ўз шахсий баҳтини халқи учун фидокорона хизмат қилишда деб билади. Асқад Мухтор халқимизнинг босиб ўтган тарихий ўтмишини, унинг аниқ лавҳаларини “Чинор” романида, “Бухоронинг жинқўчалари”, “Жар ёқасидаги чақмоқ” қиссаларида тасвирлайди. Умрининг охирларида ёзилган “Аму” романида, “Бўронларда бордек ҳаловат”, “Кумуш тола” қиссаларида ёзувчи замоннинг долзарб муаммоларини ёритишга уринди, лекин уларнинг бадиий талқинида жиддий муваффақиятга эриша олмади. “Самандар”, “Яхшиликка яхшилик”, “Мардлик чўққиси”, “Тонг ёришган соҳилда” каби песалари билан китобхонлар даврасида танилган серқирра ижодкор Асқад Мухтор ўзбек

адабиётини бойитишга муносиб ҳисса қўшди. Унинг сўнгги ишларидан бири “Тундаликлар” сарлавҳаси остида бериб борилган эстетик, ҳаётий-фалсафий фикрлари ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Ҳа, адаб айтганидек, “Вақт ўтяпти! деймиз! Аслида биз ўтяпмиз...” (“Тундаликлар”).

Асқад Мухтор жуда кўп хорижий адабиёт намуналари билан ўзбек китобхонларини таништирган бўлса-да, таржимачилик соҳасида Софоклнинг “Шоҳ Эдип” асарини она тилимизга ўгириши энг катта муваффақияти бўлиб қолди. Унинг танқидчилик асарлари орасида эса таржимачиликка ва Ёшлар ижодига оид мазмундор мақолалари ҳозирга қадар ўз қимматини йўқотганий йўқ.

Асқад Мухтор «Тилак», «Тонг эди», «Тотли дамлар» сингари илк шеърлари (1935—1938) да поэзиянинг мақсад ва вазифасини, шоирнинг жамият олдидаги бурчини аниклаб олишга интилди. У поэзияга «Қалбга қанот», «дардга даво» берувчи деб қарайди. Шоир Улуғ Ватан уруши бошланиши билан «Ғалаба ишончи», «Жангчининг байрам кечаси», «Туғишилар қайтди», «Софиниш», «Москванинг қалби» сингари қатор поэтик асарлар яратиб, ҳалқни фашист босқинчилари устидан ғалаба қозонишга ундади. Ватан гўзалликларини, туганмас бойликларини, ҳалқ ҳаётидаги катта ўзгаришларни тасвирловчи «Пўлат қуювчи» (1947), «Ҳамشاҳарларим» (1949), «Раҳмат, меҳрибоним» (1954), «Чин юракдан» (1956) шеърий китоблари шоирнинг катта ижодий ютуқларидандир. Асқад Мухторнинг «Мардлик чўққиси» (1948), «Яхшиликка яхшилик» (1949), «Самандар» каби пъесалари драматургиямизда болалар ҳаётининг, шунингдек, ишчилар синфи турмушининг ёритилиши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга.

Ёзувчининг «Дарёлар туташган жойда» (1950), «Қорақалпоқ қиссаси» (1958), «Бухоронинг жин кўчалари» каби қиссалари, «Опа-сингиллар» (1954—1955), «Туғилиш» (1963), «Давр менинг тақдиримда» (1964), «Чинор» (1973) романларида замонамизнинг муҳим муаммолари ўз ифодасини топтан.

“Чин юракдан” (1956) шеърий китоби, “Ҳаётга чақириқ” (1956), “Дунё болалари” (1962) ҳикоялар тўплами ўзбек болалар адабиёти хазинасини бойитди.

“99 миниатура”, «Карвон қўнғироғи» шеърий китоблари 60-70-йиллар ўзбек шўро шеъриятида катта воқеа бўлди. Уларда инсон қалбининг товланишлари чуқур интеллектуал ҳис-туйғу воситасида бадий баркамол талқин этилган.

Асқад Мухтор деганда, деб ёзади Ғайбулла Саломов ва Абдулла Матёкубов, -XX аср ўзбек адабиётининг чинордай бақувват, йирик намояндаси, бадий прозанинг ҳикоя ва очерк сингари мўъжаз турларидан тортиб йирик салмоқдор романларигача, поэзияда шеър ва кичик миниатюравий қўйма мисралардан тортиб, қамровдор поэмаларгача бўлган ажойиб намуналарни яратган баркамол носир ва шоир кўз ўнгимиизда гавдаланади. У драматруг сифатида сахна асарлари бунёд этди, публицист бўлиб эҳтиросли мақола ва памфлетлар ёзди, таржимонлик қилиб жаҳон халқлари адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ўғирди. Носир, шоир, журналист, адабиётшунос, халқ жонли тилини ғоят нозик ҳис этувчи, адабий тилнинг бойлиги ва поклиги учун жон куйдирган стилист, таржимон сифатида бадий ижоднинг қайси соҳасига қўл урмасин, фасих асарлар, нафис дурдоналар яратди, қайноқ инсоний туйғулар супрасида йўғрилган ажойиб бадий тафаккур намуналарини берди”.

Лирик шоир, таникли адиб, мохир таржимон сифатида Асқад Мухтор маданиятилизни бойитишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У ҳақида, унинг қилган ибратли ишлари ҳақида кўп китоблар, хотиралар ёзилиши бежизга эмас.

— Ёзолмайман. Дўхтир ёзма, ўқима, дейди. Бош айланади... бош кетган... ярамайди... Асқад ака маъюс тортади. — Ёзмаган, ўқимаган билан ёзувчининг мияси бир зум фикрлашдан тўхтамайди. Ёзувчи қоғозга

ёзолмаса, миясига ёзади. Мия ёзувчидан тегирмон. У сўнги нафасгача ишлайди.⁷

Чиндан ҳам Асқад Мухтор сўнгги нафасгача ишлади, тинимсиз ижод қилди. Ўзидан бир дунё адабий мерос қолдирди. Унинг йилларим шеъри бунинг ёрқин ифодаси бўла олади.

Бирингиз — боқийсиз, бирингиз — балки пуч.

Бирингиз — шодликсиз, бирингиз — ўқинч,

Бирингиз — баҳтлисиз, бирингиз — баҳтсиз,

Бирингиз — ярадор, ўлгансиз вақтсиз,

О орқада қолган менинг асарларим.

Сизга насиб қилган қувонч — юрагимда,

Қалбда дардингизни олиб юраман.

Сиз мени аямай отда товладингиз,

Шундан замин узра ғолиб юраман.

Сиз менинг тирмашиб чиққан зинамсиз,

Ҳар бирингиз ғишти, мен иморатман.

Сиз менинг даҳлсиз, ёлғиз хазинамсиз,

Сиздан иборатман,

О менинг орқада қолган асарларим.

Нақадар ҳақ сўзлар... Чиндан ҳам, ёзувчи фақат ёзган асарларидан қад кўттарган иморатга ўхшайди.

Асқад Мухтор ҳаёт маъносини ижод қилиш, деб тушунган, миллий адабиётимиз равнақи учун яшаган ва шу адабиётни бир неча погона юксакликка кўттарган эди.

1.2. АДИБНИНГ ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТИ

⁷ Нусрат Раҳмон. Асқад Мухтор дедилар. Т. Чўлпон, 2003.

Асқад Мухторнинг кейинги иш фаолияти газета-журналлар билан боғлик ҳолда кечган. Унинг журналистик фаолияти ҳам мухбирлиқдан бошланган. Ёш ижодкор “Ленин учқуни” (Хозирги “Тонг юлдузи”) газетасига хабарлар ёзиб турган. Унинг биринчи бадиий асари 1935 йили шу газетада чоп этилган. Бу шеърда ёзилган топишмоқ эди. Кейин эса у шеърлар машқ қила бошлаган. Шеърият оламига кириб, мухбирлик унутилган. Табиийки фаол бир мухбирнинг бирданига йўқолиб қолиши газета ходимларини ажаблантирган. Ҳатто бу ҳақида шоир Зафар Диёр шундай ёзган:

Асқад Мухтор қайдасан?

Ҳамма ерни ахтардик,

Фаол мухбиримиз деб,

Дуч келганга маҳтардик...⁸

Асқад Мухтор унга жавобан “Шеъриятга кириб кетгандим” деб ёзган. “Кириб кетгандим у, адашиб юрибманми деган хавотирда ич этимни ер эдим. Шундай бўлса ҳам, беихтиёр шеър ёзганим ёзган эди...”, “Мухбирча” деган ном билан эса фахрланаман”.

Ана шу “мухбирча” кейинчалик машҳур ёзувчи ва шоир сифатида элга танилди. У “Ёш ленинчи” (хозирги “Туркистон”) “Қизил Ўзбекистона” (хозирги “Ўзбекистон овози”) газеталарида маъсул котиб, бўлим мудири (1945-48 йиллар) бўлиб ишлаган. “Шарқ юлдузи” (1960-65 йиллар), “Гулистон” (1969-1981) журналларида ва “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” (1981-1982) газетасида бош муҳаррир сифатида фаолият юритган.

Ўзбекистондаги биринчи ҳафталик газета “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”нинг ташкилотчиларидан бири бўлган. Ёзувчилар уюшмасида котиблиқ қилган. Унинг Ўзбекистон давлат нашриётидаги фаолияти ҳам самарали кечган. У нашриётда адабиёт бўлимининг раҳбари сифатида кўплаб

⁸ Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. Т: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966.

етук асарларнинг чоп этилишига бош-қош бўлган. Машхур адиб Ойбекнинг “Кутлуғ қон”, “Навоий” романларинг нашр этилишига ўз ҳиссасини қўшган.

“Шарқ юлдузи” журнали кўпгина ўзбек ёзувчилари сингари А.Мухтор адабий ижодининг ҳам бешиги бўлган. У журналда дастлаб адабий ходим бўлиб ишлаган. Шеър ва поэмалари, ҳикоя ва очерклари, повесть ва романлари биринчи галда журнал сахифалари орқали китобхонга етиб борган. Кейинчалик журналга редактор бўлган. У шу йўл орқали билим ва тажриба тўплаган. “Гулистон” журнали ана шу меҳнат ва тинимсиз изланиш натижаси ўлароқ ўз даврида бирдан бир севимли журналга айланганди.

Бизга маълумки журнал матбуотнинг асосий турларидан бири сифатида жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётининг чуқур қатламларини акс эттиради. Журнал орқали кишилар жамият ҳаётининг чуқур масалаларини англайди, илм-фан, адабиёт ва санъат маҳсулларидан баҳраманд бўлади, ижтимоий борлиқни билади ва ўз ҳаётий тажрибаларини такомиллаштиради, касб-хунар ўрганади.

Маълумотларга, кўра дастлабки вужудга келган журнал 1655 йили Парижда нашр этилган “Журнал де Саванс” бўлиб у ўз ишини адабиёт, санъат, фалсафа ва табиий фанлар бўйича китобларга шарҳлар беришдан бошлаган. Худди шу йили Лондонда “Philosophical transecting of royal sensate” деган илмий журнал чиқа бошлаган. Россияда биринчи журнал 1728 йили чиқарилган. У “Санкт-Петербургские ведомости” газетасининг нашри бўлиб, “Ведомостларга ойлик тарихий, географик ва бошқа иловалар” деб аталган. Бу илмий-адабий журнал фаолиятида атоқли рус олими М.В.Ломоносов асосий ўрин тутган.

Кўриниб турганидек, биринчи журналлар илмий, адабий йўналишда бўлган. Рус журналистикаси тарихида асосий ўрин тутган бошқа нашрлар А.С.Пушкин асос солган “Современник”, Н.А.Некрасов нашр этган “Отечественные записки” ва бошқа журналлар ҳам адабий-бадиий журналлар бўлиб, рус адабиёти ва ижтимоий фикрининг ўсишида муҳим ўрин тутади.

Туркистанда илк журналлар XX аср бошларида пайдо бўлган. Булар 1913 йили Самарқандда дунё юзини кўрган “Ойина” ва 1915 йилдан Тошкентда чиқа бошлаган “Ал-ислоҳ” журналларидир. “Ойина” журнали ўша даврда Туркистанда дунёга келган тараққийпарвар жадидчилик ҳаракатининг атоқли намоёндаси, оташин маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан чиқарилган бўлиб, туркий тилдаги илк ижтимоий, илмий, адабий нашр эди. “Ал Ислоҳ” журнали эса асосан диний журнал бўлиб, ислом динини ислоҳ қилиш йўли билан маърифат ва тараққиётга эришишни тарғиб этган. 1917 йили Кўқонда нашр этилган “Хуррият” журнали ҳам ижтимоий сиёсий журнал эди. Бу даврда Тошкентда “Чаён” ва “Чўл чаёни” деган ҳажвий журналлар ҳам чиққан.⁹

1917 йили октябр тўнтаришидан сўнг Ўзбекистонда “Инқилоб”, “Ер юзи”, “Муштум” ва кўплаб журналлар нашр этилган. Кейинчалик “Шарқ юлдузи”, “Гулистон” каби журналлар чиқарилган. Мустақиллик йилларида эса улар сони янада кўпайди. Шулардан биз мавзуимиз бўлмиш “Гулистон” журнали тарихига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

“Гулистон” журнали дастлаб “Ер юзи” номи билан 1925 йилнинг ноябридан чиқа бошлаган. Журнални ташкил этиш режалари “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетаси таҳририятида туғилади ва газетага илова шаклида чоп этилади. Ўша пайтда газета муҳаррири Комил Алимов журналга ҳам муҳаррирлик қилган. “Ер юзи”ни нашр этиш ҳақидаги қарорда шундай дейилган: “Қизил Ўзбекистон” газета идораси мамлакатимизда бўлиб турғон қучларнинг энг яқин ва жонлик иштироқи билан октябрь ойининг ўрталаридан бошлаб ўзбек матбуот дунёсида энг биринчи маротаба “Ер юзи” журналини чиқармоққа қарор қиласди!

“Ер юзи” журнали Ғарбдан, Шарқдан ва бутун олам ҳодисаларидан чиройлик, ҳам ўн беш кунда бир маротаба жуда аъло қағозда техниканинг

⁹ Бойбўта Дўстқораев. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Т.:Faфур Гулом, 2009.

сўнг усули билан босиб тарқатилади. Унинг ҳар сонида ёш шоирларимиз ва ҳикоянависларимизнинг замонавий асарлари ёзилиб турадир, мамлакатимизнинг тарихий ва асрий тирикчилигини ўқувчилар кўз олдига ёритмоққа ҳаракат қиласидир, жамоат ходимларимизнинг ҳам фаол иштироклари билан юрт танишадир, ҳали бизнинг Ўрта Осиё ҳалқига номаълум бўлган жойлар билан, “қуш учса қаноти куяр, одам юрса оёғи куяр” қабилидаги маконларни кенг тасвир этадир, газета ва телеграф хабарларидаги воқеаларни суратлар билан кўрсатадир, журналист чиқармоққа ҳаракатда бўладир, хулоса: ўқувчиларимиз “Ер юзи” журналида истаган нарсаларини топа олсинлар” деб келтирилган.

Журнални ташкил этишдаги мақсад катта бўлган. Мухими, ғоя, фикр эзгу эди. Журнал маънавий-маърифий ҳаётнинг кўзгуси бўлиши, миллий қадриятларимиз, ўзликни англаш, ҳалқ ижодиёти, замонавий бадиий жараён борасида чиқишлиар қилиши ҳам керак эди. Аммо коммунистик мафкура миллий маданият ва тарихга синфий кураш кўзойнаги билан қарагани сабабли “Ер юзи”нинг миллий маданият асосларини тарғиб этишга даъват қилувчи режалари мавжуд тузум сиёсатига тўғри келмас эди, деб ёзади Тилаб Маҳудов.¹⁰ Журналга хужум 1929 йилдаёқ бошланган. Журнал “миллатчи” тамғасини олган.

1931 йил 6 майда “Ер юзи”нинг юзи” номли мақола эълон қилиниб, унда журнал “Партия бош йўли учун астойдил курашмаганликда”, “маҳаллий миллатчиликга қарши курашдан ўзини четга олганликда” қораланади. Журнал фаолияти “қайта кўриб чиқиш”ни талаб этади. Бир йилдан сўнг “Ўзбекистон қурилишда” номи билан чиқа бошлайди. Лекин журналнинг олти сони чиққач, “Машъала” номи билан яна қайта нашр этилади. Унинг ҳам бешта сони чиқиб, 1935 йил феврал ойидан журналга “Гулистан” номи берилади. Ўша пайтда журналнинг маъсул котиби бўлиб Faafur Fулом ҳам ишлаган.

¹⁰ Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. Т.: Маънавият, 2003.

1941 йил уруш бошланиши билан бошқа қатор журналлар каби “Гулистан” фаолияти ҳам тўхтатилиб қўйилади. 1967 йилдан журнал қайта тикланади.

“Гулистан” журнали фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, жамият ҳаётини ёритиш нуқтаи назаридан ўз йўлига эга бўлган. Бизга маълумки, журналлар турлича: ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-бадиий ва санъатга оид журналлар, ҳажвий, суратли ва тармоқ журналлари бор.

“Гулистан” журнали бу турлардан бир нечасини ўз ичига қамраб олган. Улар: ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, суратли журнал кўринишларидир. Журнал муқовасида келтирилишича “Гулистан” ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнал ҳисобланган.

Журналлар таснифида суратли журналлар алоҳида ўрин тутади. Суратли журналлар жамият ҳаётини ёритишида кенг фойдаланилади. Фотожурналистиканинг асосини фотопублицистика ташкил этади ва публицистиканинг бу соҳаси ҳам ўз ички жанрлари, кенг ижодий имкониятларига эгадир. Суратли журналларда фотосурат билан ана шу суратларни шарҳловчи ёки тўлдирувчи босма сўз матн ҳам муҳим ўрин тутади. Шуни айтиш керакки, бошқа ижтимоий-сиёсий журналларда ҳам фотосуратлардан кенг фойдаланилади, бундай журналларда матн, сўз асосий ўрин тутади.

Суратли журналлар жаҳоннинг турли мамлакатларида нашр этилади. АҚШдаги “Плейбой”, Россиядаги “Огонёк” журналлари соҳанинг энг мукаммал журналлари ҳисобланган.¹¹

Республикамидаги “Гулистан”, “Саодат” ва “Ёшлик” журналларида ҳам фотосуратларга кенг ўрин берилган. Бу борада “Гулистан галеритяси”

¹¹ www.ziyonet.uz

рукнини мисол келтириш мумкин. Журналда айнан шу руkn остида бир неча саҳифа суратлар берилган.

Энди журналнинг қандай принципларга таянганлигини кўриб чиқамиз. “Гулистон” маълум маънода умуминсонийлик принципига таянган. Бу принципнинг назарий асоси шундан иборатки? инсоният — табиатнинг гултожи, онгли жамиятнинг, тарихнинг, сивилизацияларнинг ижодкоридир. Гарчи “Гулистон” Ўзбекистон компартияси Марказий комитетининг журнали бўлишига қарамай, инсониятга хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Аскад Мухтор ёшлик чоғидан етим ўсганлиги боис, инсон қадрини ҳамма нарсадан юксак тутган, ҳоксор ва мағрур бўлган. Бир-бирига зид бу икки хислат унинг табиатида ажойиб бир тарзда ўйғунлик топган эди. У бутун умри давомида дунёда тинчлик ҳукмрон бўлиши учун, озодлик, тенглик, миллат тараққиёти учун интилган.

Халқчиллик принципи ҳар бир ижодкордан ўзининг бутун қалб қўрини халқа бағишлишни, бутун умр халқа хизмат қилишни талаб этади. Ҳар бир қалам соҳиби ўз асарларида халқнинг ҳаёти, меҳнати, ташвиши, қувончи, фикр-ўйи, орзу-умидларини кенг, ҳаққоний тасвирлаши лозим. Халқчиллик публицистика ва бадиий ижоднинг энг муҳим талаби, ҳар қандай асарнинг ҳаётийлиги, умрбоқийлигини белгиловчи асосий ва bemurosа мезондир. Халқчиллик принципининг асосий қўринишларидан бири — миллийлиқдир. Бинобарин ОАВ миллийлик принципига амал қилиши керак. Ҳар бир журналист ўз миллийлигини, миллатини севиш билан бирга бошқа миллатларни ҳам ҳурмат қилиши керак. “Гулистон” журнали бу принципга амал қилган. Жаҳон адабиёти ва маданиятига бағишланган мақолалар, расмлар бериб бориши бунинг яққол мисолидир. Ҳаттоқи бу бўйича маҳсус руknлар ташкил этилган.

“Гулистон” журналининг бош муҳаррири Аскад Мухтор учун миллий маҳдудлик бегона бўлган. У дунёдаги барча халқларнинг маданиятига муҳаббат, чуқур ҳурмат билан қараган. Шу сабабли дунё адабиёти

дурдоналари асарларидан тез-тез таржималар бериб турган. Жумладан, Ленинградлик олим В.Разумовскийнинг “Жюль Сандо гули” бадиасини Маҳкам Маҳмуд Андижоний таржима қилиб журналда чоп этади. Мурод Муҳаммад Дўстнинг Людвиг ван Бетховен ҳақида “Қайдасан, қувонч садоси?” хикосининг журналда чиқиши катта янгилик бўлган.

Шунингдек Асқад Мухтор муҳаррирлиги даврида “Гулистон”да жаҳон адабиёти хазиналарини ва буюк бобокалонларимиз ижодини изчил ёритиш давом этган. Журналнинг 1973 йилдаги 12 сони Ўзбекистон ва жаҳон илм - фанининг буюк даҳоларидан бири Абу Райҳон Беруний ва унинг даврида яшаган даҳоларнинг кашфиётлари ёритилиши маданий ҳаётимиздаги катта байрамга айланиб кетган. Бу соҳада Асқад Мухтор, Маҳкам Маҳмудов, раҳбарлигига Ваҳоб Рўзиматов, Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Абдулла Шер ва бошқалар Беруний ижодий меросини ўрганишда фидойиларча ишлаган.

Асқад Мухтор ходимларга кенг майдон очиб берган. Беруний, Султон Маҳмуд ва Масъуд Ғазнавийлар ҳаётига доир Абулфазл Байҳақнинг “Масъуд тарихи” асарини арабчадан таржима ва талқин қилган атоқли шарқшунос А.К.Арендс, доришунослик-фармацевтикага оид “Сайдана” асарининг таржимони Убайдулла Каримов, “Геодезия” таржимони, “Беруний ҳаёти ва асарлари” китоби ва икки қисмли “Беруний” бадиий фильмни сценарийсининг муаллифи П.Г.Булгаков, “Осорул боқия” таржимони Абдуфаттоҳ Расулов, шу китобни чуқур тадқиқ қилган Исматилло Абдуллаев, Шарқ қўллётмалари билимдонлари Абдулла Носиров, Шорасул Зуннун, аллома Чагминий ҳақида ёзган Тошпўлат Усманов ва бошқалар билан суҳбатлар журналда босилиб чиқкан.

Миллийлигимизни тарғиб қилишда журнал муҳим ўрин эгаллаган. Бобокалонларимиз ҳаёти ва ижодидан намуналар бериб бориш орқали ҳалқни уйғонишга даъват қилиш у пайтлари катта жасорат эди. Журналнинг ҳар бир сонида миллий ҳалқ ҳунарлари, ҳалқбоп ёзилган асарлар бериб

борилган. Масалан, “Ҳайкаллар умри боқий”, “Риштон эртаги”, “Алишер Навоий: “Рух озиғи хуш овоздандир”, “Ипаклари тиллодан...”, “Бир пиёла чой” каби мақолалар “Хазина” рукни остида берилган.

Матбуотнинг асосий принципларидан бири оммавийликдир. Оммавийлик ҳар бир матбуот нашрининг ва ОАВ да кўпчиликнинг доимий иштирок этиши, кўпчилик томонидан яхши кутиб олиниши, оммавийлашувиdir. Бу борада “Гулистон” журнали 1970, 1980 йилларда сўз бўстонининг ҳақиқий гулистонига айланган бирдан-бир севимли журнал эди.

1.3. ЁЗУВЧИ ПУБЛИЦИСТИКАСИ

XX асрнинг 60-70 йилларида Асқад Мухтор ижоди гуллаб яшнаган давр эди. У кўплаб йирик асарлар ёзиш билан бирга публицистик асарлар ҳам ёзган. “Ҳаётга чақириқ” китобига киритилган очеркларда, “Ёш дўстларимга” деб номланган икки китобдан иборат адабий сұхбатларида долзарб ва ҳар бир давр учун муҳим бўлган масалаларни кўтариб чиққан.

Доцент Сайди Умировнинг ёзишича Асқад Мухтор олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида ўн мингга яқин публицистик асар — корреспонденция, лавҳа, репортаж, ҳисобат, интервью, мақола, тақриз, кузатиш, шарқ, хат, фельетон, эссе, очерклар ёзган, экранда беҳисоб чиқишилар қилган.

Сайди Умиров. Асқад Мухторнинг элчилари. Ўзбекистон адабиёти ва санъати.2005 йил, 7 январ. 2 сон.

Ёзувчининг барча асарларида учрагани каби унинг публицистикаси ҳам фалсафий мушоҳадаларга бой, оддий воқеалардан ҳам катта фикр, салмоқли хуносалар чиқарилган бўлиб, ўқувчини ўйлашга ва фикрлашга даъват этади.

“Ёзувчи маҳорати бирор қизиқ воқеани топиб тасвирилашдан кўра, бирор воқеани қизиқ қилиб тасвирилашда кўпроқ намоён бўлади, деган гапи бадиятгагина эмас, публицистикага ҳам таалуқлидир, деб ёзди Сайди Умиров. Адибнинг “Заранг япроги” номли йўл очеркидан Канада табиати, одамлари ҳақида кўп маълумотлар оламиз. Машхур боғбон Ризамат отанинг дил рози монолги асосига қурилган “Умр ҳикмати”да нуронийларимизга хос донишмандлик, бағрикенглик, камтарлик уфуриб турибди. Болалар, ёшлар ҳақида ёзганда адиб тилда, услубда бола бўлиб, ёш бўлиб кетади...”

Асқад Мухтор билимдонлиги, тилни мукаммал билиши, таҳрир санъатининг устаси бўлганлиги боис ҳар бир ёзган катта асридан тортиб кичик мақоласигача ўқиши силлиқ кечади. Ҳеч қандай тушунмовчилик, дағаллик учрамайди. Унинг шоир, ёзувчи, публицист сифатида танилишига ҳам ана шу сифатлари сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Иккинчидан асқад Мухтор кузатувчан инсон ва тажрибали журналист сифатида бугунги кун учун нима нарса муҳимлигини очиқ ойдин биларди ва шу йўналишда мақолалар ёзарди. Унинг “Ёш дўстларимга” номли китобида берилган ҳар бир сұхбат ўта муҳим масалаларга бағишлиланади. Асқад бу муаммоларга якка ўзи эмас, жамиятнинг олд зиёли инсонлари билан жавоб қидиради. Сұхбатларнинг ёзилишидан мақсад ҳам шу эди.

Сұхбат жанри биз учун журналистнинг савол беришию, респондентнинг жавобидан иборатдай, гүё. Аммо ўзбек журналистика тарихида икки нафар шахснинг teng мунозара олиб боришини ҳам кузатамиз. Бу айниқса Ақсад Мухтор публицистикасида күзга ташланади. “Ижодкорнинг дахлсиз дунёси”, “Перспектив манба”, “Тарихийлик ва замонавийлик”, “Дарё ва соҳиллар”, “Инсон меҳнати билан гўзал”, “Китобхонимиз элчилари”, “Ажойиб сирли гармония” номли сұхбатларида ёзувчининг феномени күзга яққол кўринади.

“Ижодкорнинг “дахлсиз” дунёси” сұхбати танқидчи У. Норматов билан олиб борилган. Унда ўша даврдаги адабий-бадиий тараққиётнинг характерли белгилари ҳақида гап боради. Сұхбатни танқидчи бошлаб беради. Саволлар, муносабатлар жуда узун шаклда берилган бўлиб, масалан, “ижод психологияси факат китобхонларни эмас, адабиётшуносларни ҳам қизиқтиряпти, у ҳақда хилма-хил баҳслар бўлаяпти. Баъзи адабиётчилар ижод психологиясини ўрганиш фойдали, самарадор деб ҳисоблайдилар, айрим адабиётчилар эса бадиий ижод индивидул, субъектик характерга эга, у — дахлсиз дунё, шунга кўра адабиётшунослик ижодий жараён натижаси — конкрет асарни таҳлил этиш билангина шуғуллангани маъкул, ёзувчининг шахсий “дахлсиз” дунёсига, ижод сирларига бош суқмаган дуруст, дейдилр...

Сиз бу ҳақида нима дейсиз?”, деган шаклда. Жараёнда иккала шахс teng ҳамкорликда мушоҳада этиб ўша давр адабий хусусиятларини ҳам айтиб ўтади. Бир-бирларининг фикрларини тўлдириб, сұхбат жанрининг имкониятларидан тўла фойдаланади. Айтайлик У.Норматовнинг фикрича, ўзбек адабиётшунослигининг характерли анъанаси бор. Улкан сўз санъаткорлари бир эмас, бир неча жанрларда қалам тебратганлар. Навоий аввало шоир, айни пайтда моҳир прозаик, етук адабиётшунос эди. Бобур ҳам шундай. Бу ҳодиса совет даврида ҳам давом этти. Ҳамза аввалига шоир эди, ўзбек насли усталари Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом бадиий ижодни шеъриятдан бошлаган. Шу ўринда бир қизиқарли масала бор. Ҳар ҳолда проза билан поэзия алоҳида-алоҳида олам. Насрнинг ҳам назмнинг ҳам ўз

талаб, қонуниятлари бор. Асқад Мухтор эса бу фикрни давом эттиради, тўлдиради: “Сиз ўзимизнинг адибларимизнингина айтдингиз. Лекин айтиш керакки, жаҳон адабиётида ҳам шеър ёзмаган, поэзия билан шуғулланмаган адибни топиш қийин...”

Суҳбатнинг асосий ўзига хослиги у нафақат адабий мавзуларни, балки санъатга оид қизқиарли мунозараларни келтириб чиқарганидир. Драматургия, кинодан яна адабиётшуносликка қайтилади. Эркин фикр, кенг дунёқарашиб акс этади. Ўқувчиларнинг эътиборини тортувчи қизиқарли мисоллар келтирилади. Дарҳақиқат, ўша пайтда “ХХ аср услуби”, “янгича стиль” кириб келган. Унга Асқад Мухтор қуидагича муносабат билдирган:

“Иzlаниш яхши. Лекин эксприментни асосий машғулот қилиб олиш керак эмас. Навоторликни ўйлаб чиқариб бўлмайди. У энг яхши анъаналардан табиий ўсиб чиқади. Яқинда Москвада бўлиб ўтган ёшлар кенгашида бир йигитнинг хикояларини муҳокама қилдик. Феъл ишлатмаяпти. “Мозаика” дейди. “Бу қизиқ ўйин экан, лекин туйгулар бутунлиги йўқ-ку”, деса; “Мен экспримент қиласайман, одам доим парвозда бўлиши керак, занг босмайди”, дейди. Парвоз яхши, учиш керак. Лекин қаёққа? Буни аниқлаш ҳам керак-да. Классикани, бутун адабиёт тажрибасини билмай туриб, экспримент қиласавериш новаторликка олиб келмайди”.

Фикрлар шу тарзда дадил ва аниқ ифода этилган. Мужмал, маъно чиқмаган жумлалар учрамайди. Бундан кўриниб турибдики Асқад Мухтор сўзни жой жойида тежаб ишлатишни яъни таҳрир санъатини яхши билган ва нафақат жанрлар ривожига балки адабий тилимизнинг гўзаллашувига, бойишига ўз ҳиссасини қўша олган.

Асқад Мухторнинг ҳар бир публицистик асарида инсон камолоти учун кураш, маънавий етуклик масаласи қундаланг қўйилади. Унинг фикрича ёзувчи шахс сифатида замонавий бўлиши керак.

Шунингдек унинг “Сиз қандай ўқиисиз?”, “Камолот калити”, “Умр ҳикматлари”, “Хат ёзиб турасизми?” номли мақолалрида ҳар бир давр учун муҳим бўлган муаммолар кўтарилилган. Адиб худди бугунги кунни олдиндан

билганидек ҳеч бир техника китобнинг ўрнини босолмаслигини, китоб худди жонли бир воситадек ўқувчи билан тўғридан тўғри мулоқатга кириша олишни таъкидлайди.

Ўқишилар ҳар хил бўлади. Бирор эрмак учун ўқийди, бирор хордиқ чиқариш учун; бирор ўқиётган китобини илмий тахлил қилиш учун, яъни “бурч юзасидан”. Бирор бўлак машғулот бўлмаганидан, вақт ўтказиш учун, бирор ниманидир билиб олиш учун, бирор асаддаги воқеага қизиқиб ўқийди. Шунинг учун атрофимизга қарасангиз турли хил китобхонни қўрасиз...¹²

Мақола орқали адаб ўқувчини ўйлашга ундейди. Ҳар қандай иш қилишдан белгили бир мақсад бўлганидек, “ўқиш бу меҳнат” деб келтиради.

Асқад Мухторнинг оддий публицистик мақолалари эътибор бериб қаралса бир-бирини тўлиқтириб, бойитиб келишини пайқаш мумкин. Масалан, “Китобхонларимизнинг элчилари” ва “Ажойиб сирли гармония” мақоллари “Сиз қандай ўқийсиз?” нинг мантиқий давомидек кўринади.

Муставид тузум даврида баландпарвоз гаплар публицистиканинг асосини ташкил этарди. Лекин Асқад Мухтор ўз табиатининг табиийлиги, самимийлиги ва соғлигини сақлай олган. Қандай мавзуда ёзмасин унда ҳаётий воқеалар, жонли фактлар иштирокини кўрамиз. Асар қаҳрамонлари шунчаки ўйлаб топилган образлар эмас, ҳаётий оддий инсонлардир. Лекин ана шу оддий инсонлар мисолида катта муаммоларга ечим қидиради. Демак, шундай холоса ясаш мумкинки, адаб доим ҳалқни ўйлаган, унинг дарди билан яшаган, ҳақиқий инсонпарвар бўлган.

Асқад Мухтор кузатувчан шахс сифатида жамиятдаги воқеаларни тарифлайди. “Қони бало”, “Тилимиз бир мўъжиза” мақолаларида айrim оғриқли жиҳатларни кўйиниб сўз этади. Ичкиликнинг тараққиёт кушандаси эканлигини тарихий ва бугунги кун мисолида кўрсатиб беради. Шунингдек, “Тилимиз бир мўъжиза”сида тилнинг соғлигини сақлаш масаласи кўтарилади.

¹² Мухторов.А. Ёш дўстларимга.Т.Ёш гвардия, 1980

“Тил жонли нарса. Тил дараҳтдай, гиёҳдай яшнайди, гуллайди, синдирсанг синади, каллакласанг чўлтоқ бўлади, тилсанг чираси ерга оқади. У тирик, нафас олади. Матбуотимиз, китоб, газета, журнал, радио — унинг жонли нафаси, юрак уруши” деб кетиради мақолада. Ўша даврда бундай ўткир фикрлар айта олиш катта жасорат эди. Иккинчидан, бу мақола бугунги кун учун ҳам ўта аҳамиятлидир. Айниқса интернет ривожи сабабли “матбуот ўлади” деган гаплар бор. Лекин матбуотми ёки интернет ўладими буни вақт кўрсатади. Аммо Асқад Мухтор таъкидлаганидек ҳар бир соҳанинг камолоти, равнақи раҳбарга боғлиқ.

“Тил кундан кун бойлик, гўзаллик орттиrsa, бунда бизнинг (яъни мухаррирларнинг) хизматимиз бор. Агар тил бузилса, қашшоқлашса бунда ҳам бизнинг “Хизматимиз” бор.

Адиб мақоласида матбуотни “тилнинг қибласи” мухаррирларни “тилимиз боғбонлари” деб атайди.

Асқад Мухтор шахс сифатида ҳурматга лойик бўлишининг ягона сабаби “сўзи билан иши бир” эди. У шунчаки ёзмасди, ёзганига амал қиласди. “Гулистон” журналидаги фаолияти бунга ёрқин мисолдир. У “Гулистон”ни гулистон қилган ҳақиқий боғбон эди.

П БОБ. АСҚАД МУХТОР “ГУЛИСТОН” ЖУРНАЛИ БОШ МУҲАРИРИ

2.1. ЖУРНАЛДАГИ ИЖОДИЙ МУҲИТ: “ГУЛИСТОН” ТАҲРИР МАКТАБИ

1966 йили Ўзбекистонда қайта очилган “Гулистон” журнали ўзбек халқининг маънавий ҳаётидаги катта воқеа бўлган(шўролар даврида, ҳозиргидек, хоҳлаган одам ёки ташкилот, маблағи кўтарса, журнал очмасди, ҳар бир нашр, у ҳатто шапалоқдек газета бўлса ҳам, Москванинг рухсати

билан ташкил қилинарди). “Гулистон” шу даврларда ҳамманинг севимли журналига айланган эди. Унда луғатдаги русчалаштириш ва оврўполаштиришга қарши ўзбеклаштириш, шарқлаштириш учун кураш борарди; “революция” —“инқилов”, “редакция” — “тахририят”, “автор” — “муаллиф”, “поэзия” — “назм” ёки “шеърият” “проза” — “наср”, “философия” — “фалсафа” тарзида муомалага киритиларди; “Темур тузуклари” форсчадан таржима қилиниб, сонма-сон босиларди (таржимон эса амалда Шарқий Туркистоннинг норасмий президенти бўлган, гоминданчи босқинчилардан ўлканинг деярли 90 фоиз худудини озод этган, СССРКГБси томонидан алдов йўли билан Тошкентга бир кечада олиб келинган халқ машали, илоҳиётчи олим, файласуф ва адаб Алихон Соғуний эди); инглиз тарихчи олимаси Хилда Ҳуқҳеманинг Амир Темур ҳақидаги романидан парча шу журнал орқали халққа етиб борди; Расул Ҳамзатовнинг миллий қадрияtlар ва озодликни улуғловчи “Доғистоним” асари Эркин Вохидов таржимасида босила бошлади.

Шу тариқа “Гулистон” миллий журналга айланиб бошлаганди. Шу боис кўпчилик назарида “юқоридагилар” журнал бош мухаррири Иброҳим Раҳимовни ишдан олиб, ўрнига Асқад Мухторни тайинлайди.

Асқад Мухторнинг ишлаш принципи ҳақида ҳамкаслари ва дўйстлари жуда кўп эслайдилар. “Асқад Мухтор замондошлари хотирасида” китобида Асқад аканинг иш услуби ўзгача бўлганлиги у фақат мухаррир эмас, балки йирик шахс сифатида ўз ўрнига эгалигини эътироф этилган.

Журналда ҳар бир бўлим тайёрланган материални мудир одатда тўғридан-тўғри бош мухарририга олиб кириб бериши керак бўлган. Бош мухаррирдан “ўтгач” котибга, у котибиятга, ундан кейин бош мухаррир ўринбосари Ваҳоб Рўзиматовга борган. Бош мухаррир ҳар бир материални фақатгина ўқиб қолмасдан, уни жиддий таҳrir қилган.

Журналда материаллар жуда пухта тайёрланган. Ақсад Мухтор ва Ваҳоб Рўзимотов бошчилигига ана шу тариқа “Гулистон таҳrir мактаби” га асос солинган.

Асқад Мухтор бош мұхаррир бўлган йиллари журналда анча ўзгаришлар юз берганди. Юқоридан кўрсатилган тазиик сабабли ўзбекча сўзлар русчалаштирилганди. Кўпчилик энди журнал мустабид тузум куролига айланади, деган фикрда эди. Лекин Асқад Мухтор бу қарашларни йўққа чиқазди. Журнал компартия учун эмас халқ, миллат ва Ватан тараққиёти учун хизмат қила бошлади.

“Мен ўйлаб-ўйлаб “Гулистон” журналига ишга кирдим ва 1969 йилнинг 16 декабрида биринчи ойлигимни олдим. Мени адабиёт ва санъат бўлимига ўтказишиди. Дастрраб хатларга жавоб ёзиш билан, кейинчалик адабий танқид ва санъат билан шуғулландим: бўлим мудири Шукур Холмирзаев насрни, адабий ходим Азиз Абдураззақ шеъриятни юритарди. Ишга кирганимда икки ой бўлгандан кейин бир куни Асқад Мухтор хонамга келиб, “Қуёшни қутлаб” деган китоб чиққанини, ўшанга ихчам тақриз ёзиб беришимни сўради. Бу материалим журналда чоп этилди” деб эслайди журналнинг собиқ ходими Абдулла Шер.

Ташқаридан қараганда, гуё журналда ўзгариш бўлмагандек эди. “Темур тузуклари”, “Дофистоним” тўхтатиб кўйилган, бош мұхаррир ўрнига бош редактор, муаллиф ўрнига автор, таҳрир хайъати ўрнига редколлегия ёзиларди, олдингига қараганда замонавий материалларга кенгроқ ўрин берилган. Аммо синчковлик билан назар ташлаган киши журнал материаллари тобора теранлашиб бораётганини, бевосита эмас, Эзоп тилида билвосита миллий ўзликни танишга даъват этувчи, ўқувчини ўйлантирадиган мақола ва асарлар берилаётганини, миллатимиз тарихи яна ҳам дадилроқ ёритилаётганини кўриши мумкин эди.

Журнал таҳририятига кирап эшик ёнига Ленини сурати қўйилган бўлиб, қўпчилик журнал ходимлари “Биз Ленинни пана қилиб ишлардик” дейишади. Натижада ҳамма ишлар бир маромда кечган.

“Гулистон” журнали Асқад Мухтор раҳбарлигига том маънодаги миллий журналга айланган. Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов деб юрган халқ Октябр тўнтаришигача Жўрабек Қаландарқори ўғли деган

гененрал ҳам бўлгани, у бир неча ғарб ва Шарқ тилларида эркин сўзлаша олгани, унинг кутубхонасидан Бартольд, Семёнов сингари шарқшунос олимлар фойдаланганини, у Фурқат, Фансуруллобек, Сатторхон Абдуғафаров, Сайдрасул Сайдазизов, Инъомхўжа Умриёхўжаев сингари ватанпарварлар билан биргаликда Миллий озодлик лигасини тузишга урингани ва чор хуфиялари томонидан Қўйлиқдаги боғида сирли равища ўлдирилганини билиб олишган. Фурқат, авваллари ёзиб келинганидек, Россиянинг Ўрта Осиё устидан ҳукмронлигини қўллаб келган шоир эмас, балки миллатпарвар сиймолардан бири, Жўрабек ўлдирилмасидан бир оз олдин алдов билан, паспортсиз хорижга чиқарилиб, кейин ватан ҳудудига киритилмаган зиёли эканидан, генерал Кауфман енга олмаган кўмондон аёл Қурбонжон додходек мард онахонларимиз ўтганидан, Намоз Пирим ўғли, мустамлакачилар алам билан ёзганларилик, ўғри эмас, миллат озодлиги учун курашган ҳалқ қаҳрамони бўлганидан одамлар “Гулистон” орқали биринчи хабар топган. Андижон қўзғолони раҳбари Муҳаммад Али эшоннинг дор остида: “Мен Ватан озодлиги учун қурбон бўляяпман! Яшасин озодлик! Босқинчиларга ўлим!” деган сўzlари ўзини таниган ҳар бир журналхон қалбида акс-садо берган эди. Бу миллий қаҳрамонларимиз ҳақида ёзган Мурод Хидир, Шариф Юсупов, Наим Норқулов, Ҳамдам Содиков, Ҳайдарбек Бобобеков сингари истеъдодли зиёлилар илк марта ҳалқа ҳақиқатни очиб бердилар. Ана шундай материалларни Аскад Мухтор нафақат ўtkazган, балки уларнинг муаллифларига “Гулистон”нинг маҳсус мукофотларини топширган.

“Гулистон” ёшларнинг ҳам севимли журналига айланган. Энг истеъдодли шоир ва ёзувчиларга биринчи бўлиб шу журнал оқ йўл тилаган. Эркин Аъзам, Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султон сингари ҳозирги наср усталарини, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Азим Суюн, Анвар Обиджон, Фароғат Камол каби бугунги машҳур шоирларимизни ҳақли равища “Гулистон” мактабидан чиққан истеъдодлар деб аташ мумкин. Ўша пайтлар ёш шоир ёзувчилар уюшмасига қабул қилинаётганида, у китоб

чиқаргани билан эмас, “Гулистон”да шеърий туркум эълон қилгани учун кўпроқ қадрланган.

Журналда энг яхши адабиётшунос, санъатшунос олимлар иштирок этишган, “Гулистон”нинг “ўз муаллифлари” ҳам бўлган. Иззат Султон, Азиз Каюмов билан бир қаторда Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуров, Бегали Қосимов, Умарали Норматов, Мухаммадали Қўшмоқов каби муаллифлар журналга доим долзарб аҳамиятга эга мақолалари билан қатнашган.

Асқад Мухтор фақат ёшларни эмас, балки кекса адибларни ҳам асраб авайлаган, эъзозлаган. Журнал саҳифаларида Уйғун домла, Гайратий домланинг шеърлари, Йўлдош Шамшаров каби носирларнинг асарлари чиройи безаклар билан босилган.

Асқад Мухтор ҳар биримизни ажойиб, қизиқарли, кўнглимиизга хуш келадиган йирик ижодий ишлар билан банд қилиб қўяр эди, дейди Маҳкам Маҳмуд Андижоний. Устоз таклифи билан Абдулла Шер ўзи севган Гёте ва Ҳайнे достонларини олмон тилидан таржима қилди. Асқад ака менга буюк ҳинд эпоси “Маҳобхорат” достонининг ilk бобларини таржима қилишни топширди. Бу достонни истеъдодли ҳиндшунос дўстимиз Амир Файзулло санскрит тилидан таржима қила бошлади. Шу туфайли мен бошқа бир мумтоз асар қадимги лотин адиби Апулейнинг “Эврилишлар ёхуд Олтин хўтиқ” асарини таржима қила бошладим. Бу ишни истеъдодли шоир Асқар Қосим билан ҳамкорликда қилдик. Асқад ака қувватлади. Шунингдек ленинградлик адиб В.Разумовскийнинг “Жюл Сандо гули” номли Балзак ва Дюманинг замондоши Аврора Дюдеван ҳақида бадиасини таржима қилдим. Бу “Гулистон” да чоп этилиши кутилмаган янгилик бўлди.¹³

“Гулистон” журналининг сўз бўстонининг чинакам гулистонига айланишида Асқад Мухторнинг ҳиссаси катта. У бош муҳаррирлик қилган вақтидан ўз ичига катта маъсулият билан ёндашган. Журналнинг ўқимишли бўлиши учун янгиликлар яратишни, етук, қўлида қалами бор ижодкорларни

¹³ Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. Т.: Маънавият, 2003.

ўз атрофида тўплашни, шу йўл орқали халққа маънавий билим тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва маълум маънода ўз истагига эриша олган ҳам.

Журналда чоп этилган материаллар тили равон, ўқишли, пишиқ, бадиий жиҳатдан етук асарлар бўлганлиги сабабли ўқувчилар эътиборини тортган. Иккинчидан, журнал мустабид тузумдаги эркин фикр билдириш макони ҳам эди. Учинчидан, инсонни мустақил фикрлашга ундейдиган тарихни ўрганишга, маънавий илдизларимизни билишга даъват этадиган мақолалар, бадиий асарлар изчил чоп этилган.

“Гулистон” журналида мусахҳихдан тортиб бош муҳарриргача фикр ва инсоний муносабат бобида тенг, демократия деган нарса айни шу масканда мужассам эди, — деб ёзади Хайриддин Султон. — Александр Твардовский бошқарган “Новый мир” журнали рус жамиятига қанчалик ижтимоий таъсир кўрсатган бўлса, муболағасиз айтиш мумкинки, Асқад Мухторнинг “Гулистон”и ҳам ўзбек жамиятининг маънавий ҳаётига шунчалар қучли таъсир кўрсатган.”¹⁴

Қисқа вақт ичида журнал адади 350 мингдан ошиб кетган. X.Султон буни шундай изоҳлайди: Биринчидан, журнал таҳририятида зиёли бир муҳит ҳукм сурарди. Ижтимоий жамоа орасида бу даргоҳга тасодифан келиб қолган бирорта ҳам қаламкаш йўқ эди. Иккинчидан, журнал саҳифаларида тасодифий асар ҳам, тасодифий муаллиф ҳам асло йўлатилмас эди. Биз таҳририятнинг ёш, жўшқин, аммо на ҳаётий, на адабий тажрибага эга бўлган ходимлари бу борада муросасиз эдик. Шу боис кўплаб ночор ва яроқсиз кўлёзмаларни қайтариб, беткачапорлик қилиб баъзи бир истеъоди тирнокча, кибр-ҳавоси тоғча қаламкашларнинг таъна-маломатларига ҳам дучор бўлганмиз. Бугун энди ўйлаб қарасак адабиётга адабиёт деб эмас, балки умумпролетар ишнинг бир қисми деб қаралган ўша мафкуравий замонларда бизнинг бундай оташинлигимиз боис бош муҳарриrimiz қанчадан қанча

¹⁴ Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. Т.: Маънавият, 2003.

гоявий тазиикларга дуч келган эканлар. Аммо шуни фахр билан айтишим мүмкинки, Асқад ака муҳаррир бўлиб турган даврда, нечоғли қийин бўлмасин, “Гулистон” журнали ўз бадиий мезонларидан ҳеч қачон чекинган эмас.¹⁵

Маънавий бедорлик, руҳий безовталиқ, халқ дардини юракдан тўйиш, фаол фуқаролик позицияси, нуқтаи назаридан теран ва ҳолислиги каби хислатлар “Гулистон”ни эл орасида машхур ва манзур қилган эди.

Бош муҳаррир ўринбосари Ваҳоб Рўзиматов тўғрисўз ва талабчан инсон эди, шу боис “туққанига ҳам ёқмас” эди. Унинг учун адабиёт бозорида унвону нуфуз деган нарсалар ўтмас, ҳар кимнинг молига ёзган матнига қарабгина тош-тарози қўяр эди. Аҳли истеъдодга мураббий ва муқаввий, адабий чайқовчиларга шафқатсиз эди. Кимсан Fafur Гуломга котиблик қилган, катта мактаб кўрган ижодкор эди. Ҳар бир сўзи ҳикмату нақл, қочирма киноя билан товланиб турарди. “Бўлди да, оқёси, адабиёт сизга эчки бозорими?!” дея бир чимирилганида ҳар қандай қаландимоғ адиб ҳам адои тамом бўларди.

Тахрир бобида ўзига хос мактаб яратган, аммо камтарлик билан уни “Тўрт амал” деб атарди. “Бир товуқни бир сўйибон бир еди” деб жумладаги тавталогияга қирон келтирарди. Севган ибораси “оқёси” эди. Ўзбек тилининг билимдони ва жонкўяри эди. Афсуски бундай жонкўярлар бугунги кунда камайиб кетти. Етук таржимон эди, рус ва жаҳон классикасини пухта биларди. “Гулистон”даги маънавий муҳитнинг шаклланиши ва барқарор туришида хизматлари мўл эди, деб эслайди Ҳайриддин Султон.

Яна бири Абдулла Шер, чинозлик, шоир маъруф ва жўшқин инсон бўлган. “А.Шеров” деб имзо чеккан.

Яна бири Маҳмуд Саъдий бўлиб, адабиёт ва санъат бўлимининг мудири бўлган. Асқад ака ҳазиллашиб “Шайх Саъдий” деб атаган. Китобининг кўплиги ва ижодий маҳсулининг камлиги билан машхур экан.

¹⁵ Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. Т.: Маънавият, 2003.

Матбуот заҳматкаши, умр бўйи турли хил кимсалардан мутафаккир ясаш билан машғул бўлган. Адабий танқид қасби...

Фан ва маданият бўлим мининг мудири Мурод Хидир асли китоблик бўлган. Ваҳоб ака жаҳли чиққан кезларда уни “Шахмат ва кроссворд бўлим мининг мудири” деб атаган.

Тоҳир Малик журналда ижтимоий сиёсий бўлим мудири бўлган. Шу кезларда “Фалак” деган қиссаси тилга тушган. Бағоят меҳнаткаш бўлган. Ваҳоб ака уни бошқаларга намуна қилиб кўрсатган.

Яна бир Саъдулла Аҳмад шоир, санъатшунос бўлган. Асли қизилтепалик эди. Классик театр жони дили эди. Маннон Уйғур, Шукур Бурҳон ҳақида дуруст нарсалар ёзган, хусусан, “Эдип” деган бадиаси машҳур. Ҳақиқатпарастлиги билан ном чиқарган.

Яна бири Эркин Аъзам, бойсунлик, носир, табиатининг нозиклиги ила машҳур бўлган. Озу, соз ёзган. “Отойининг тўғилган йили” деган қиссаси журналнинг бир нечта сонида берилган.

Яна бири Эмил Рўзибоев, самарқандлик, рассом, хунарида чинакам моҳир бўлган. Кейинчалик кўп мусаввир унинг ўрнида хизмат қилган, аммо ҳеч бири бадиий безак жиҳатидан журнални у юксалтирган даражага олиб чиқолмаган.

Журнал ходимларининг ҳар бири ўзига яраша феъл атворлик, қисмат тақдирлик бўлишган. Аммо уларнинг ягона умумий фазилати: барчаси ҳам адабиёт деб яшаган. Адабиёт улар ҳаётининг мазмуни ҳисобланган.

Ҳайриддин Султон бир ҳикоясининг журналда чоп этилиши учун чеккан заҳматларини қизиқарли тарзда баён этади. Унинг “Ой ботган паллада” ҳикояси икки йилдан кейин, яъни 1979 йил январ сонида чоп этилди.

Шу пайтгача ёзилган ва эълон қилинган нарсаларим бир бўлдию “Ой ботган паллада” ҳам бир бўлди. Бу ҳикоя мени ўқувчиларга танидди. Бобур Мирзо сиймосининг жозибаси шу қадар кучли эди, у ҳикояда яққол кўриниб турган камчилик нуқсонларни ҳам ёпиб кетарди. Бундан ташқари

китобхонлар ҳазрати Бобур сиймосини соғинган эди. Шунинг учун ҳам кичкинагина ҳикоя уларда бунчалик қизиқиш уйғотган бўлса ажаб эмас.

Дорилфунни битириб “Гулистан” журналига ишга кирдим. Санъат бўлимида ишлай бошладим. Декабрь ойида журналда янги ҳикоям “Дунёнинг сирлари” босилиб чиқди. Мұҳаббат ёшидаги кўплаб ёш ялангдан хат келди. Тахрир ҳайъатининг қарорига биноан тўрт муаллиф журналнинг йиллик мукофати билан тақдирланди. Шулар орасида “Ой ботган паллада” учун мен ҳам бор эдим¹⁶.

Асқад Мухтор самимий, очиқ чеҳрали, содда инсон бўлган. Шу сабаб тажрибали ёзувчи ҳам, эндиғина қалам ушлаган бошловчи ёш ижодкор ҳам унга юракдан яқинлик сезган. Ижодкорлар ва журнал ходимлари билан тенгдош, сирдош каби бўлган, ҳеч қачон ўзини юқори қўймаган.

“Айрим ёзувчилар, дейди Асқад Мухтор, йирик-йирик қўлёзмалар ўқиши, мухаррирлик адабий ижодга ҳалал беради, деб зорланади. Менингча, бу фикр унчалик тўғри эмас. М.Горькийнинг кўп миллатли адабиётимизнинг отаси даражасига кўтарган таянчлардан бири ёш ҳаваскорлардан тортиб то йирик ёзувчиларнинг қўлёзмалариғача қунт билан ўқиб, фикр мулоҳаза, маслаҳатлар бериши, синчков редакторлиги бўлди. Қўлёзма, автор адабий қиёфасининг ойнасидир. Бу ойнани қўлга олган киши баъзан ўз ижодидаги фазилат ва нуқсонларни ҳам пайқаб қолади. Авторга ўргатиш билан бирга ўзинг ҳам ўрганасан”¹⁷

Асқад кўп китоб ўқиган, кўп мушоҳада қиласиган мулло ёзувчи бўлган. Адабиётга оид илмий баҳсларда олимлардек гап айта оладиган, фикри тиник ижодкор бўлган. “Литературная газета”, “Литературная Россия” газеталарида эълон қилинган мақолаларида унинг нақадар теран фикрли, катта-катта адабий анжуманларда қазо-қазо адабиётшуносар билан беллаша оладиган олим ёзувчи эканига гувоҳ бўлганлар кўп.

¹⁶ Хайдиддин Султон. Бобурийнома. Тошкент.: Шарқ нашриёти, 1997.

¹⁷ Очил Тоғаев. Асқад Мухтор. Тошкент. Бадиий адабиёт нашри, 1966.

Иккинчидан адаб журналда босиладиган асарларни ҳафсала билан таҳрир қилган. Қўлёзма эгалари эса бундан ранжимаган. Тузатилган саҳифаларни кўриб, “маъқул”, “раҳмат”, деб миннатдорчилик билдирган. Унинг бу ишлари Миртемир акага ёкиб, “Асқад қўлёзмага билиб қалам тегизади”, дер экан.

“У жуда инсофли, диёнатли одам эди. Журналга бош муҳаррир бўла туриб, таҳририят машинасида юрмасди. Ишга пиёда бориб келарди. Ишхонасидан иккитагина бўлсин қоҳоз олиб кетмасди. Ишдан қайтишда Ўрда гузаридаги магазиндан қоғоз, блокнот, қалин муқовали “обший дафтар” сотиб оларди”.¹⁸

“Республика адабий журналига бош муҳаррир бўлиш катта мансаб эди, лекин Асқад Мухтор ҳеч мансабга учмасди”, деб эслайди “Шарқ юлдузи” журналида ишлаган таниқли шоир Ҳусниддин Шарипов. Ойнинг бирон бир белгиланган кунида режа тузиш учун мажлисга йиғилардик. Муҳаррир эса ҳар куни корректура ўқишдан бўш вақтлари, биз билан қайсимизнинг бисотимиизда нима борлиги, ёзувчиларнинг қайси бири нималар ёзаётгани, асари қай даражага етиб қолгани ва ҳакозалар ҳақида ҳеч қандай расмиятчиликсиз гаплашиб турарди...

Навбатдаги сонга материал тушириб юбориш арафасида ярим саотгина мажлис қилиб олардик. Унда Асқад Мухтор бизни журналнинг қаламда ёзилган мундарижаси билан таништиради. Мундарижа ой давомида, ҳаммамизининг ўртамиизда пишиб боргани сабабли бўлимлар жой талашиб, кўп ғиди биди қилиб ўтирасди. Муҳаррир ҳам иш юритиш учун уларни бир бирига гиз гизламасди. Демократия деганлари шу бўлса керакда! Таниқли адаб, халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг айтишича, Асқад Мухтор талабдан паст даражадаги асарларни нашр қилиш масаласида адолатдан чекинмасди. Мирзакалон Исмойлий хоразмлик ёш шоирнинг шеърларини тавсия қилиб келганида, улар адабиёт бўлимида ишлайдиган Маҳмуд Саъдийга ёқмаган

¹⁸ Саид Аҳмад. Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. Т. Маънавият, 2003 йил.

эди. Баш мұхаррир Асқад Мухтор таъна қилмади, шеърни албатта чиқазасан деб зўрламади.

Эътиборли ёзувчининг тавсиясини хурмат қилибми, иккитагина шеърини танлаган эдилар, деб ёзади Тоҳир Малик. Шу иккита шеър чиқса журнал савияси тушиб кетмас эди. Лекин бўш асарларга озгина бўлса ҳам йўл очилар эди. “Фалон асар чиққанда, буниси чиқса нима бўпти” деган фикр ғолиб бўла бошларди. Шу боис ҳам баш мұхаррир бўлим бошлиғи ҳукмини бекор қилишни истамаган эди.

Асқад Мухтор ёшларга ҳам меҳибон бўлган. Истеъдодли шоир ёзувчиларни доим қуллаб-қувватлаган. Уларнинг ижод намумалари билан бирга улар ҳақида ёзилган мақолалар, адабиётшуносларнинг фикрлари ҳам журналда берилган. Масалан, журналнинг 1979 йилги 10 сонида Абдулла Шернинг умумий сарлавбҳа остидаги (“Соғинчдан иборат экан яшамоқ”) шеърлари ҳамда Озод Шарафиддиновнинг Муаллиф ҳакидаги “Шоирнинг баҳроий сўзи” мақоласи чоп этилган.

Шунингдек, журналда ҳар бир бадиий асар учун сурат чизилган ва мусаввирлар ижоди муентазам ёритилиб борилган. Мусиқага меҳр қўйган бастакор ёшлар ҳақида ҳам материаллар берилган.

“Гулистон” журналида шеърий асарлар эълон қилишда ҳам бошқача йўл тутилган. Бир мавзудаги шеърлар танлаб олинган. Бу эса ўқишга ҳам тушунишга ҳам осон бўлган.

Журнал ходимлар рус матбуоти тажрибаларидан ҳам унумли фойдаланишган. Масалан, авваллари юртимиздаги газета журналларда йирик асарлар чоп этилмасди. Кейинчалик бу нарса йўлга қўйилган. Журналнинг 1979 йилги биринчи, иккинчи ва учинчи сонларида ёзувчи Эркин Аъзамнинг “Отойнинг туғилган йили” номли қиссаси босилган. 1979 йил 3-4-5-6-7-8 сонларида Комил Яшиннинг “Ҳамза” достонидан намуналар берилган.

Етук ёзувчи ва шоир, моҳир публицист Асқад Мухтор келажак авлодлар учун буюк ишларни амалга оширган. “Гулистон” журналидаги ижодий мұхитнинг шаклланиши ва “тахрир мактаби”нинг яратилиши

буғунги ёш авлод учун ибрат маҳсули бўла олади. Ҳозирда ҳам таҳрир санъатини ана шу журнал ва Асқад Мухтор фаолиятини кузатган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Асқад ака атайин таҳрир қилишни, ёзувчининг услубини ўзгартиришни мутлоқа истамаган, унақа “муҳаррир”ларни ёқтирмаған ҳам. Лекин у қалам урса, шеърми, ҳикоями, мақолами худди баҳор ёмғири теккан япроқдек яшнаб, сўз ўз қудрати намоён этган.

“Кунлардан бирида Ақсад ака кимнингдир шеъридаги қандайдир сўзни ўзгартириди, шунда ғарбга қараб турган шеър 180 даражага бурилиб, шарққа қараб қолди. Муаллиф шеърини биринчи бора кўраётгандек у ёққа айлантириб, бу ёққа айлантириб томоша қилди да: “Ё тавба！”, деб қўйди: норозилик билдирай деса, шеър гўзаллашган, очилиб кетган, индамай деса, хаёлига келмаган ғоявий ўзгариш рўй берганди”, деб эслайди Абдулла Шер.¹⁹

Асқад ака ҳеч кимни хонасига чакирмаган, кўриб бўлган материалини ходимлар хонасига ўзи кўтариб чиқсан. Адабий танқидий мақолаллардан ўз номини ўчириб ташлаб ёки тенгдошлари рўйхатида биринчи ўринда турган бўлса, охирига, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Саид Аҳмаддан кейинга ўтказиб қўяган. Асқад Мухтор ана шундай камтарин ва инсонпарвар шахс бўлган. Асосийси у “Гулистонни” жуда яхши кўрган.

— Унга ўзининг бош муҳарририлик амали эмас, балки журналдаги фаолияти ёқарди, — дейди Абдулла Шер. — Асқад ака миллатни ўйғотишни, ҳалқда миллий ғурур ва озодликка интилиш туйғусини тарбиялашни бош вазифа деб биларди. Лекин бу ҳақда гапирмасди. Фақат бир мартағина: “Биз жуда катта савоб иш қиласяпмиз”, — дегани эсимда.²⁰

¹⁹ Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. Т.Маънавият, 2003.

²⁰ Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. Т.Маънавият, 2003.

2.2. “ГУЛИСТОН”НИНГ МАХСУС СОНЛАРИ

“Гулистан”нинг бир йилги сонлари тўлалигича ҳар бир вилоятларга (областларга) бағишлиданади. Айрим областларнинг иқтисодий қудрати, хўжалик қиёфаси, табиий ва этнографий ўзига хосликлари ўқувчиларимизни жуда қизиқтирумояда. Биз одатда матбуотда ҳам ёритиладиган жойларгача етиб бордик журнализмининг “географияси” кенгайди, республикамизни яхшироқ билишни истаган ўқувчиларимиз бу сонлардан кўпгина янгиликлар топдилар.

Редколлегия ва фаол ходимларимиз ўқувчилар талабларига мувофиқ, келгуси йили ҳам муҳим “бағишлолар” қилмоқчи. Фикримизча журналнинг ҳар бир сонидаги асосий материаллар маълум бир қизиқ масалага бағишланса, мақсад аниқ бўлади. Шунинг учун “Бир гигант колектив

ҳаёти”, “Шаҳар қурилишининг келажаги”, “Халқ қалбининг нафис туйғулари”, “Миллионлар ўқимоқда”, “Энг ёш фанлар” сингари конкрет мавзуларга бағишиланган айрим сонлар чиқаришни мўлжалламоқдамиз. Бунда шу мавзуларнинг энг қизиқ ва долзарб томонлари, янги маълумотлар социологик анализ ва ҳаётий воқеалар, рақам ва ажойиб фактлар кенг ёритилади. Бундан ташқари, албатта, журналимида анъанавий бўлиб қолган бўлимлар адабий бадиий асарлар ғаройиб мароқли маълумотлар, сатира ва юмор саҳифалари ҳар сонда давом этади, деб ёзади Асқад Мухтор 1970 йил 8 сон “Икки юз минг сұхбатдош” номли бош мақоласида.

Кўриниб турганидек журнални қайси йўналишда, қандай шаклда чоп этиш масаласи йиллар давомида ўйланиб ва сайқалланиб келган. Бу борада Асқад Мухтор ўз сўзининг устидан чиқкан. Айнан 1971 йилдан бошлиб журналнинг маҳсус сонлари ташкил қилина бошлаган. Бунда журналнинг бир сони тўлалигича бирор буюк шахс ёки маълум мавзуга бағишиланган. Бир соҳани кенгроқ, чуқурроқ қамраб олиш учун ҳам шундай қилинган.

1970-йиллардаги сонлардан бири “Республика таълим олмоқда” деб номланади. Унда мактаб, олий ўқув юрти ва бошқа таълим муассасаларидан лавҳалар, таълим жараёни, ундаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида туркум материаллар билан бирга расмлар ҳам берилган. Журнални ўқиган ўқувчида мамлакатдаги таълим тизими ҳақида етарлича тушунча пайдо бўлган. Эътиборга лойик мақолалардан бири “Биз Тошкентда ўқиймиз” деб номланади. Унда Вьетнам, Мали, Судан, Ироқ, Бирма, Мўгулистан, Афғонистон каби юртлардан келиб, Тошкентда таҳсил олаётган талабалар билан сұхбат уюштирилган.

Бундан ташқари санъатимиз дарғаларидан Маннон Уйғур, машҳур адиб, ёзувчи Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳхор, Ойбек ва бошқалар ҳақида туркум мақола ва маҳсус сонлар тайёрланган.

Ҳар йили журналнинг апрель ойидаги 4 сони ёшлар ижодига бағишиланган. Ушбу сонда шоир, ёзувчилар билан бир қаторда

адабиётшунослар, санъатшунослар, ёш танқидчиларнинг ижодидан ҳам намуналар берилган.

Шунингдек журналда қардош халқлар, чет эл ижодкорлари ёзган асарлар ҳам чоп этилган. Собиқ СССР даги энг яхши фотографларнинг ижодидан намуналар бериб борилган. Озарбайжон юмор сатира журнали “Кирпи”да босилган материаллардан саарлари (1979 йил 10сон), Польшанинг машҳур шоири Юлиан Тувим ҳикматлари (1970йил 2сон) каби жаҳон адабиётидан намуналар журналда чиқкан. Тожик адабиёти ва маданиятига бағишлиланган сон, муайян халқ ижтимоий ҳаёти ҳақида берилган материаллар ўқувчилар эътиборини қозонган.

Санъат халқ қалбининг нафис туйғуларини акс эттиради, инсонни юксакларга талпиндириб, шодлик ва завқ, порлоқ орзу ва жасорат, кучкудрат бағишлиайди, мусоффо уфқларга чорлайди. Унинг таъсир кучи ҳар нарсадан устундирдир. Бу буюк ҳақиқатни ўз вақтида англаған “Гулистон” журнали ходимлари журналнинг ҳар бир сонида санъатимиза оид мақолалар бериб борган. Улар халқнинг миллий қадриятларини ўзида тўла акс эттирган. Жумладан журналнинг 1971 йил 7 сонида шундай сўзлар билан бошланади. “Гулистон”нинг бу сони санъатимизнинг бугунги ҳолатига, тур ва жанрларнинг ривожланишидаги кундалик амалий масалаларга бағишлианди. Ушбу сонда “Баҳор” ансамблининг раҳбари, халқ артисти Муқаррама Турғунбаева ҳақида мақола ва туркум шеърлар қатори Гафур Гуломнинг “Санъатим” шеъри, композитор, академик Юнус Ражабийнинг “Мусика сехри” мақоласи катта сурати билан берилган. Аҳамиятга молик мақоллар сирасига А.Абдуқодировнинг “Оқ чаман” мақоласини киритса бўлади. Унда халқимизнинг ўлмас ҳунари ғанчкорлик ҳақида сўз этилган. Шунингдек машҳур заргар, кулол, чеварлар расмлари галерияси берилган.

Журналнинг вилоятлар ҳаётини кенг ёритган маҳсус сонлари ҳам чоп этилган. 1971 йил 2 сон Сурхондарё, 3 сон Наманганд, 1970 йил 5 сон Фарғона, 1970 йил 8 сон Самарқанд, 12 сон Қорақалпоғистонга бағишлиланган. Бу сонларда вилоятларнинг тарихи, ўзига хос анъаналари, маданияти, халқ

орасида юрган афсона, дастон, латифаларигача кенг турда ёритиб берган. Шунингдек қўлга киритаётган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд муаммоларни ҳам кўрсатилган. Масалан, Самарқанд ҳақидаги сонда “Бу ерда Навоий ўқиган”(Навоийнинг Самарқандда таҳсил олгани ҳақида), “Самарқанд ноз неъматлари”, “Нони Осиё” каби мақолалар берилиб ҳар бир материал халқнинг кўзини очишга, ўзлигини англашга, тарихни ўрганишга даъват этган.

Гулистон”нинг 1970 йил 7 сони тўлалигича географияга бағишиланган. Унда “Ўзбекистон денгизлари”, “Чўллар ва йўллар”, “Табиат завқи – шифо”, “Кечаги сахро”, “Қум қаридаги қиссалар” каби мақолалар ва туркум расмлар берилган.

Журналнинг 1980 йилги сонларида Абу Али ибн Сино ҳақида маҳсус материаллар бериб борилган. Сабаби бобокалонимиз таваллуд топганига 1000 йил бўлганди. Шундай буюк инсонларни ёш авлодга таништириш замирида “биз ана шундай инсонлар авлодимиз, келажаги буюк халқмиз” деган ғоя яширин эди. Ҳаттоки бу йўлда ёш шоирлар ҳам қатнашган. Абдулла Ориповнинг Абу Али ибн Сино ҳақида “Ҳаким ва ажал” дастони журналда бир неча саҳифа бўлиб чоп этилган.

Аслида маҳсус сонларни ташкил қилишдан мақсад халқни ўйғотиш, маънавий дунёсини бойитиш, шу йўл орқали қалбида озодлик тўйғусини шакллантиришни назарда тутган.

1970 — 1981 ЙИЛЛАРДА ЖУРНАЛДАГИ ЖАНРЛАР ХИЛМА ХИЛЛИГИ, РУКНЛАР

Жанр (французча genre тур, хил) санъат, адабиёт, шунингдек, журналистика асарларининг тарихан таркиб топган ички бўлинишидир. “Жанр” тушунчаси муайян давр миллатга ёхуд дунё санъатига хос, мос асарларнинг барқарор устувор белги, хусусиятларини англатади, умумлаштириб кўрсатади.

Оммавий ахборот воситаларига оид дарслик, қўлланма, турли тадқиқотларда журналистика жанрларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш, таҳлил этиш қабул қилинган. Булар:

1. Ахборот (информация) жанрлар (хабар, ҳисобот, интервью, репортаж).
2. Таҳлилий (аналитик) жанрлар, (корреспонденция, мақола, такриз, кузатиш, шарх).

3.Бадиий- публицистик жанрлар (лавҳа, очерк, фельетон, памфлет, эссе, хат).²¹

Журналистиканинг ҳар бир жанри ўз ўрнига, мавқеига, нуфузига эга, улардан бирининг аҳамиятини ортиқ даражада кўтариб, бошқа бириникини пасайтириб бўлмайди. Масалан, газетанинг янги сонини, радио, телевидениенинг кундалик дастурини информациясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахборот, янгиликлар оммавий ахборот воситаларининг кундалик нони, журнални эса мақоласиз - ушбу етакчи таҳлилий жанрсиз тасаввурга сиғдириш душвор. Ҳаётнинг ҳар бир парчасининг тасвири - корреспонденция, икки ёки бир неча кишининг самимий, дилкаш сухбат-интервьюси, митинг, учрашув, қўрилиш майдончалари, спорт иншоотларидан олиб кўрсатиладиган бевосита, эҳтиросли репортажлар хақида ҳам шундай дейиш мумкин.

“Гулистан” журналида бу борада ҳам самарали ишлар олиб борилган. Энг долзарб юртимиз янгиликлари билан бирга хориж хабарлари, яратилаётган янги кашфиётларга кенг урғу берилган. “Жаҳонда нима гап”, “Ҳар соҳадан бир шингил” руқнлари остида хабарлар журналнинг дерлик ҳар сонида берилган.

Мақола - публицистиканинг мураккаб жанрларидан бири ҳисобланади. У журналистдан катта билим ва маҳорат талаб этади. Мақола жанрида қаламга олинган битта муаммо айнан аниқликни, мавзудан чиқиб кетмасликни таъминлагани боис фикрни аниқ ва равшан фактларга асосланган ҳолда ифодалаш имконини беради.

Фактларни таҳлил этишда муаллифнинг нуқтаи назари асосий роль ўйнаши ҳисобга олинади. Шу сабабдан журналист масалани ҳар тарафдан чуқур ўрганиши ҳамда муаммо ва воқеликни келтириб чиқарган фактлар, далил ва исботлар билан қуролланган бўлиши мазкур билимлар асосида ўзининг таҳлилини аниқ ифодалай олиши керак.

²¹ Худойқулов.М. Журналистика ва публицистика.Т.:Тафаккур, 2011.

Журналда энг етакчи жанрни мақолалар ташкил этади. Улар орасида халқаро шарх, тақриз, репортаж, очерк, интервью, сұхбат, латифалар бор. Миртемирнинг “Дўстим ва замондошим”, Жамол Намазовнинг “Она ер ҳаёли билан”, А.Абдукодировнинг “Оқ чаман” мақолалари диққатга сазовордир.

Бош мақола жамиятнинг ижтимоий тараққиётидаги асосий йўналишларни ифода этувчи ўзига хос директива вазифасини ўташи керак. Бош мақола директив хужжатнинг мантиқий структурасига мос келиши лозим.

Директивликнинг асосий белгилари эса аниқ воқеликни таҳлил қилиш асосида жамият ривожидаги объектив қонунларга суяниш, мақола мавзуси кенг оммага, жамоа, ижтимоий груп синфларнинг манфаатидан келиб чиқиши, муаммони ҳал этишнинг амалий ҳаракат дастури йўналишларини белгилаш орқали нафақат мақсадни, балки шу мақсадга эришиш омилларини ифодалай олишдан иборатdir.

Бош мақолада рамзий матбуот тасвирий ва очерк – элементлари чегараланган бўлиши билан бирга мазкур жанрдаги публицистик бўёқ фактларни хиссий аргументация, ишончли сиёсий тарғибот, лўнда таҳлиллар орқали кучайтирилади. Бош мақолада кўйдагиларга эътибор қаратилиши керак⁶

1. Аниқ фикрни изчил ривожлантириш;
2. Мақоланинг бошқа жанрлар билан тенглиги. У ҳам факт билан бошланади. Фикр ва унинг ортидан муаллифнинг асосли мулоҳазалари ўзидан пайдо бўлмаслиги керак. Фикрлашнинг бошланиши аниқ далилли хабарга ўхшайди;
3. Кўтарилган ва ривожлантирилган тугаллик. Муаллиф фикри охир-оқибатда мақоланинг мавзусини белгилайди. Уни исботлаш учун эса мақолани бир тизимга солиш ва далиллаш керак бўлади. Далиллаш, яъни аргументлаш муаммоси журналистни айниқса, таҳлилчи журналист учун энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади;

4. Мавзуда саволнинг қўйилиши. Мавзуни ишлашда жуда кўп саволлар туғилади. Уларни текшириш орқали очиб бериш журналист аввал ўзига, кейин ўқувчига воқеликни очиб беради;

5. Мақолада фактлар ва далилларни йиғиш. Мақола ёзишда журналист жуда катта билим доирасига, заҳирасига эга бўлиши лозим;

6. Мақолада муаллиф фикрининг ифодаланиши. Фактларнинг умумий йиғиндисига асосланиб, муаллиф фикри ўз тасдиқини топиши керак. Яъни муаллиф айтмоқчи бўлган фикр фактлар асосида ифодаланмоғи керак.

Масалан, “Гулистон” журнали бош мухаррирининг маҳсус “Редактор минбари” рукни бўлиб, унда энг долзарб мавзуларда ва айнан бугунги кун мавзусида сўз юритилган. 1971 йил 1 сонда “Инсон — шоир табиат” сарлавҳаси остида янги йил байрами табриги берилган. 1970 йил 3 сон баҳор байрами арафасида “Она” мақоласи чоп этилган. Бундан ташқари “Вақт” ва турли конференциялар, халқаро тадбирлар ҳақида яна 1970 йил 8 сон “Икки юз минг сухбатдош” мақоласи журналда чоп этилган.

“Гулистон”нинг доимий ўқувчилари сони 200.000га яқинлашиб қолди. Улар журнални ўқиши билан бирга унинг йўналишини белгилайди, мундарижасини бойитиш ва янада ранг-баранг қилиб, чиқаришда турли воситалар билан иштирок этадилар. Биз улардан кунига 40-50 талаб хат оламиз. Бу хатларнинг умумий таҳлили шуни қўрсатадики, ўқувчилар оммасининг маънавий талабларини тоборо ортмокда, улар журналдан қалб ва онг учун қўпроқ бойлик, қўпроқ янгилик, информация ва руҳий завқ истайди!

“Гулистон”нинг тематик доираси чегараланган эмас. У оммабоп ва ҳаммабоп журнал...

Шунингдек мақолада журналнинг асосий йўналиши ўқувчининг маънавий талабларига жавоб бериши, унинг онгини кўпроқ қизиқ маълумотлар, ажойиб янгиликлар билан, қалбини эса нафосат ва гўзаллик туйғуси, олижаноб ҳислар билан бойтишга қаратилгани ва Республиканинг сиёсий хўжалик ҳаёти ҳақида, ажойиб одамлар ва анъаналаримиз ҳақида бадиий дид ва халқ атвор, халқимиз одатлари ва меҳнат тажрибалари, ўтмиш

мероси ва келажак истиқболлари ҳақида ёзилган ҳар бир асар ўқувчининг юксак гражданлик туйғуларини бойитишни кўзда тутгани, ҳар томонлама уйғун камолотни, жисман ва руҳан гўзал бўлишни истаган ёшларга журналнинг бундай йўналишда чиқиши айниқса маъкул бўлаётгани ҳақида сўз этилади.

Ҳар қандай жамиятда ютуқлар билан бир қаторда муаммолар мавжуд бўлади. Унинг ёчимини топиш, бу қийин вазиятдан чиқиб кетиш йўлини кўрсатиш, албатта жамиятнинг энг зиёли қатламининг олдида турган вазифа саналади. Бу борада журналистлар фаоллиги ҳаммасидан муҳимдир. Улар томонидан яратилган муаммоли мақола — ўзида кенг жамоатчилик фикри асосида ҳаётдаги мавжуд муаммо ва бу вазиятдан чиқиб кетишнинг амалий йўлларини ўзида ифода этади.

1970-80 йилларда ҳам мамлакатда ва жамиятда талайгина муаммолар мавжуд эди. Лекин уни очиқ ойдин кўрсатиш, кенг халқ оммасига етказиш биринчи даражали муаммо эди. Шундай бўлса ҳам Асқад Мухтор бунинг ижобий йўлини топди. Чет эл адабарининг асарларининг озодлик, миллатлар тараққиёти, миллийлик устунлигини тараннум этгувчи асарларини, кичик латифалари таржималарини бериш орқали халқнинг кўзини очишга ҳаракат қилди.

Иккинчидан, муаллифларнинг экология, адабиёт, санъат соҳаларида мабжуд муаммоларни ёритган мақолаларини ҳам журналда бериб борган. “Орол узра чорлоқлар” номли С.Нуровнинг мақоласида денгиз сувининг тортилиб кетаётгани, бунинг охибати яхши бўлмаслиги таъкидланади ва ҳаётий воқеалар келтириб, инсонларни сувни унумли фойдаланишга чорлайди.

Композитор академик Юнус Ражабийнинг “Мусиқа сехри” мақоласида муаллиф олти мақомга эскилиқ сарқити деб қаралишига қарши эканлигини очиқ ойдин айтиб ўтади.

Мустабид тузум шароитида муаммоли мақоллар бериш орқали жамиятдаги айрим қусурларни тузатишга интилиш катта жасорат эди. Лекин

бу бўйича маҳсус руқн тузилмаган. Асқад Мухтор бундай муаммоли мақолаларни кўпроқ журналнинг охирги сахифаларига жойлаштирган.

Хат - ёши улуғ, “мўйсафид” жанрлардан. Унинг ёши ёзув ёши билан баробар дейиш мумкин. Мактуб шарқ адабиётида, айниқса, кенг тақалган мактуб шаклидаги шеърий, насрый асарлар “нома” деб аталгани маълум. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” (XIV аср), Хўжандийнинг “Латофатнома” (XIV- XV асрлар), Мироншоҳнинг “Таашшурнома” каби достонларини эслайлик.²² Бу ўз даврининг, керак бўлса бугунги куннинг бебаҳо асарларидир. Уларни ўрганиш орқали инсоонинг маънавий олами бойибгина қолмасдан, етарлича билимга эга бўлади ва ҳар бир давр ҳақида белгили бир хуносага келади.

“Гулситон”да эски қўл ёзмалар берилиши билан бир қаторда улуғ алломаларнинг бир-бирига ёзган хатлари ҳам чоп этилган. Масалан, журналнинг 1972 йилги сонларидан бирида “Тадқиқот, кашфиёт, ахборот” рукни остида Л.Н.Толстой мактубининг “Туркестанский голос” газетасида берилган нусқаси берилган. Мақола сарлавҳаси “Ясная Полянадан Андижонга хат” деб номланади.

Хатлар ўз хусусиятига қараб: муҳарририятларга келадиган хатлар, очик хатлар, адабий-бадиий хатларга бўлинди.

Кишиларнинг муҳарририятга йўллаган хатларида шу куннинг долзарб масалалари акс этади. Одамлар бирон бир факт, ҳодиса ҳақида ҳабар берадилар ёки бирон бир масала юзасидан фикр билдирадилар, ҳаётда учрайдиган айrim камчилик, ноҳақлик кўринишларидан шикоят қилишади ва ҳакоза. Муҳарририятга йўллаган хатларнинг мавзу доираси кенг бўлади.²³

“Гулистон” журналига ҳар куни 40-50 талаб хатлар келган. Журнал ходимлари таҳририятга келган хатларни ўрганиб, энг муҳими “Редакция почтасидан” деб номланган рукни остида чоп этган.

²² Худойқулов.М.Журналистикага кириш. Т.:М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети босмононаси, 2005.

²³ Худойқулов.М. Журналистика ва публицистика.Т.:Тафаккур, 2011.

Шунингдек “Таклиф ва истаклар” рукнида журнал муштариylари ва катта олимлар томонидан журналнинг қай шаклда чиқиши, кўпроқ қандай мақолалар берилиши ҳақидаги таклифлари ва турли истаклари доимий ёритилиб борилган. Демак журналда хатлар билан маҳсус шуғулланувчи мутахасислар бўлган. Масалан, Абдулла Шер ишга қабул қилинганда биринчи хатларга жавоб ёзиш билан шуғулланган. Чунки хатларни ўрганиш, турли хил ўкувчилар ҳаёти ва ижоди билан танишиш, уларнинг қизиқишлари билан ўртоқлашиш бўлғуси журналист учун муҳимдир. Шу сабабданми, журнал таҳририятига қабул қилинган ходимлар кўпинча дастлаб хатлар бўлимида фаолият юритган.

Очерк - бадиий публицистиканинг кенг тақалган, етакчи жанрларидан бири ҳисобланади. Табиатга - ҳам бадиият, ҳам публицистик белги, хусусиятлар хос бўлган ушбу жанрга икки жиҳатдан қаралади, баҳоланади. “Очерк ҳикоя билан тадқиқот ўрталигидаги яқин жойда туради”,- деган эди М.Горький. Ижодий фаолияти давомида бу жанрнинг кўплаб етук намуналарини яратган машҳур рус адабининг гапларида жон бор. Очерк соф ҳикоя ҳам, соф тадқиқот ҳам эмас, балки уларнинг бир қатор муҳим аломатларини сингдирган ўзига хос синтетик асадир. Русча “Очерк” сўзи “Чертить”, “Очертить”, яъни “Чизмоқ”, “Чизиб кўрсатмоқ”, “Чегаралаб олмоқ” маъноларини билдиришини, шунингдек, аксарият очеркларнинг публицистика, публицистик мен билан бўйсунгандигини ҳам назарда тутсак, бу жанрнинг хусусиятларини англаб олишимиз ойдинлашади.

“Очерк” атамаси ўзбек матбуоти адабиётига XX аср бошларидан, асосан, рус адабиёти матбуоти орқали кириб келди, мумтоз адабиёт намуналарида бу термин учрамайди. Очеркнинг, хусусан, портрет очерки, йўл очерки (Сафарнома)нинг энг яхши намунасини Алишер Навоийнинг “Мажолисун нафоис”, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома”сида учратамиз. Навоий “Мажолисун нафоис”да 459 шоирнинг шахсияти, ижоди, зийнати, фазилати, қусўрлари ҳақида шундай қисқа, лўнда, аниқ тавсифлар беради, шеъриятнинг латиф мисраларидан намуналар келтиради, маҳоратга холис,

адолатли баҳо берадики, ушбу портрет характеристикаси ўқувчи ёдида узқ вақт сақланиб қолади.²⁴

“Гулистон” журналида кўпроқ “Замондошларимиз” руни остида портрет очерки бериб борилган.

Шунингдек, Асқад Мухторнинг журналнинг 1979 йил 1 сонида “Тинчлик ягона” сарлавҳали йўл очерки ёзилиб, унда Канада, АҚШ ва Тинч океани бўйидаги элатларни саёҳат қилиш жараёнида олган тассуротлари баён этилган. Яна С.Анарбаевнинг “Қорақалпоқ дафтаридан саҳифалар” йўл очерки ҳам журналнинг 1970 йил 12 сонида чоп этилган.

“Қорақалпоқ дафтаридан саҳифалар” йўл очеркида Қорақалпоғистон туманлари бўйлаб қилинган саёҳат тассуратлари акс этган. Очерк кичик сарлавҳаларга ажратилган ҳолда ёзилган. “Шуманой Афсонаси” да туман бундай номланишига тарихий бир воқеа сабаб бўлганлигини Тиловберган ота сўз этади. Шунингдек, очерк “Хўжайлининг қирмони Говур қаъладан баланд”, “Амударё миллионери”, “Қутлиқиз момонинг қўшиғи” каби сарлавҳаларни ўз ичига қамраб олган. Очерк муаллифи С.Анорбоев очерк сарлавҳасини “Қорақалпоқ дафтаридан саҳифалар” деб номлаганининг сабабини шундай тушунтиради: Йўл хотираларимга мен шундай сарлавҳа қўйдим. Аммо зинҳор, улкан, хассос шоиришим Миртемир билан беллашмоқчиdir, деб ўйлай кўрманг. Фақат келажаги ёрқин Қорақалпоғистон бўйлаб кезганимда севимли шоиришим “Қорақалпоқ дафтари” деб номланган шеърларидағи нафис ва ёлқинли мисралар республиканинг чинакам чиройини англашга менга бир калит бўлди.

Шунингдек журналда “Адабий портрет” рукни бўлиб, унда таниқли адабиётшунос ва санъатшуносларнинг илмий бадиий мақолалари берилган. 1980 йилги 6 сонида Умарали Норматовнинг “Тирик тароналар, қувноқ қаҳқаҳалар” номли Сайд Аҳмаднинг 60 йиллигига бағишлиланган мақоласи чоп этилган. Муаллиф Ҳайриддин Расулнинг “Устози Комил” очеркида буюк бобокалонимиз А.Навоий ҳақида айтилади.

²⁴ www.zionet.uz.

Шунингдек Расул Раҳмановнинг 1972 йил 12 сонида “Чиннисозлар” очерки туркум расмлар билан берилган.

Журналда бу каби очерклар беришдан мақсад ўқувчига ҳаётни ёрқинроқ кўрсатиш эди. Айниқса портрет очеркларини чоп этиш орқали бир инсонни бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш, оммани билимли ва иқтидорли бўлишга даъват этиш, ўз қонун ва хуқуқларини биладиган, ўзини англаган, етук инсонлар ҳар доим жамият таянчи бўлганлигини англатиш олий мақсад бўлган.

Кулги ҳақида ўқувчилар ҳажв усталари кўп фикрлар билдиришган. «Ревизор», «Ўлик жонлар», каби машҳур ҳажвий асарлар муаллифи, буюк рус адаби Гогол айтган ушбу гап, айниқса, диққатга сазовордир: «Кулги шундайин зўр нарсаки, ҳатто ҳеч нарсадан қўрқмайдиган одам ҳам кулгидан қўрқади». Кулгининг турлари, оҳанглари кўп: ҳажв, мазах, масхара, кесатиш,, чандиш, қаҳқаҳа, истехзо, қочирим, табассум, латифа, асқия муболаға, кичрайтириш, жонлантириш, ўшатиш, кўчим, аллегория... Ҳажвий, юморист асарларда, мавзу, муаммо тақозосига кўра, кулгининг ана шу турлари оҳангларидан фойдаланилади».

Сатиранинг вазифаси нимадан иборат? Сатира, юмор ҳаётда учрайдиган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган камчилик, иллатларни кўрсатиш, очиб ташлаш, фош этишдан иборат, токи бундай нуқсон, қусурлар, ноxуш ҳолатлар олди олиниши керак.

“Гулситон”да “Наъматак”, “Гулнинг тикани” баъзан “Дам олиш саотларида” рукнлари остида юмор, латифа, лофлар бериб борилган. 1970 йил 5 сонида “Габровани биласизми?” сарлабҳаси остида Болгар халқи оғзаки ижодидаги ажайиб латифалар берилган. Шу халқ ижоди билан ўқувчиларни танишитирар экан ажайиб бир таклифни келтиради. “Бизнинг юртимиизда ҳам Афандига ўхшаган ҳазилкаш инсонлар кўп бўлган ва ҳозирда ҳам бор. Ҳар бир шаҳар ва туманлардаги қизиқарли халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва тўплаш керак!” деган таклиф ўртага ташланган. Ўз вақтида

амалга ошмай қолган бу таклифни бугунги кунда қайта кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Тақриз лотинча “резенция” сўзидан олинган бўлиб, “қайта кўриб чиқиш, хабар қилиш, баҳо бериш, тавсиф” деган маъноларни англатади. Бу таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки тақриз публицистика жанрларидан бири бўлиб, унинг асосини ижтимоий-сиёсий ва бадиий, адабиёт, санъат ва билимларга танқидий баҳо бериш ташкил этади.²⁵

Журналда Мукофот Максудованинг “Жозибали куч” номли ўзбек театр санъатига катта меҳнати синган Я.Фельман ижоди ҳақида сўз этилган. Шу каби X.Хасановнинг “Улуғбекнинг улуғлиги”, Сайди Умировнинг “Мўжизага меҳр” (Озод Шарафиддиновнинг “Биринчи мўхиза” китобига), Ғулом Ғафуровнинг “Жанр таҳлили”, Бегали Қосимов ва Бойбўта Дўстқораевнинг Алангали йилларнинг сўник талқини” (Қобилжон Ориповнинг “Алангали йиллар адбиёти” китоби бўйича) мақолалари “Тақриз” рукнида берилган.

Ҳикоялар журналнинг ҳар бир сонида бериб борилган. Нафақат юртимизнинг, шунингдек қардош халқлар ва жаҳон адабиётининг энг сара ҳикоялари таржима қилиниб ўқувчилар назарига ҳавола этилган. Бу борада “Гулистон” журналида таржима мактаби яратилганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Журналда ўз вақтида чоп этилган Анвар Муқимовнинг “Тавба”, Ғафур Ғуломнинг “Бозор оралаб”, Эркин Усмановнинг “Мен уларни кўрганман” воқеий ҳикоялари, Маъруф Ҳакимнинг “У қайди”, Баҳодир Ёқубовнинг “Бегона шамол”, Эркин Усмановнинг “Интизор”, Омон Жорқинбоевнинг “Портрет” ҳикоялари ўзбек адабиёти ҳикоя жанрининг энг юксак намуналаридан бўлган.

Эркин Усмановнинг “Мен уларни кўрганман” ҳикоясида Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби таникли инсонлар билан кутилмаган тарзда учрашганлигини қизиқли тарзда сўз этади. Ҳикоя ўз ичида яна кичик

²⁵ Тохиров.З.Т. Адабий таҳrir.Т. Тафаккур-Бўстони, 2012.

сарлавҳаларга бўлинган. Масалан “Фарзанд” ҳикоясида Махсуд Шайхзода хақида, унинг газетада ўз мақоласини ўқиётганини кўргани, адабнинг: “Матбуотда чиқсан нарсамни кўрганимда худди фарзандимнинг бошини силагандек бўламан” каби сўзларини жонли баёнлайди.

Шунингдек, “Кичик ҳикоялар” рукни остида уч-тўрт абзацдан иборат бўлган маъноли фикрлар воқеа асосида берилган. “Оқмаган сув”, “Улғайиш”, “Дам олишда”, “Муаллиф” ҳикоялари Намангандик ёш ижодкор Нуридин Бобохўжаев тилидан ёзилган. Ҳар бир ҳикояга мос расмлар чизилиши унинг ўқишли бўлишини таъминлаган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек таржима бобида ҳам самарали ишлар қилинган. Ф.Достоевскийнинг 150 йиллик муносабати билан адабнинг “Исёнкор қалб”, “Аломат одамнинг туши”, ҳикояларини В.Рўзиматов таржимасида, шунингдек, Қозоқстон халқ ёзувчиси Борис Никитиннинг “Янгрок кўл” ҳикояси таржималари журналда чиқсан.

И.А.Криловнинг масалларини Мухтор Худайқулов таржима қилган. Форс тажик адабиётининг классиги Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” дидактик асарини Шоислом Шомуҳамедов таржима қилиб, журналда охирги бобини чоп этган. “Жаҳон адабиётидан” рукни остида Шотландиялик шоир Роберт Бернснинг шеърлари Мухаммад Али таржимасида берилган.

Журналда жанрлар тараққиёти учун маълум маънода кураш олиб борилган. Жанрларни бойитиш ва янгилаш, ўқувчига янги йўллар билан маълумот етказиш муҳим ҳисобланган. Узоқ йиллик тажрибадан сўнг яъни Асқад Мухтор кексалик даврида ёзилган “Тундаликлар”и бунинг яққол мисолидир.

Тундаликлар — Асқад Мухторнинг тунги кечинмалари, фикр муроҳазалари маҳсули. Улар ягона ғоявий фалсафий йўналишга эга эмас, бири боғдан, бири тоғдан бўлса ҳам ёзувчининг бедор қалби, уйғоқ тафаккури, түғёнли кечинмалари — барчаси муштарак мўжизалар — Одам ва Олам бағридаги сир-синоатлардан дарак беради. Зоро биз ҳаммамиз маънавий оламга ҳамиша қандайдир бир тарзда улуш қўшиб яшаймиз.

“Кейинги вақтда — кексалик, хасталик сабаб — жуда камуйқу бўлиб қолдим. Уйқу қочганда бош-кети йўқ, узиқ-юлуқ ўй-ҳаёл қалашиб келавераркан. Шунда тунчироқ остида турган дафтарга баъзи тасодифий фикрларни ёзиб қўядиган бўлдим.

Дафтаримни “Тундаликлар” деб номладим. Бу “жанр”нинг “кундалик”дан фарқи шуки, унда хронологик тартибдаги воқеалар бўлмайди” — деб тушунтиради адиб.²⁶

Асқад Мухторнинг бошқа биронта асарига ўхшамаган, ҳатто минг йиллик адабиётимиз шу пайтгача кўрмаган янги бир “жанр”нинг, янги бир адабий дурдонанинг пайдо бўлиши катта янгилик эди. Албатта бу ўз ўзидан тўғилгани йўқ, адиб неча йиллик меҳнат маҳсулининг сўнгги унутилмас меваси эди бу.

Шуни таъкидлаш жоизки, адабиётга ҳам, журналистикага ҳам жанр керак. Ижодкор бедарвоза ёзмаслиги, минглар орасида қаришиб кетмаслиги керак. Йўналишни йўқотиш ярим йўлда қолиш демакдир. Йўналиш бу жанр. Жанр ўқувчини белгили бир мақсад томон етаклайди.

Журналда ҳар бир материал тепасига қайси жанрга тегишли эканлиги кўрсатилиши бежизга эмасди. Афсуски бугунги кунда бу нарса йўқолиб кетмоқда. Умуман ҳозирда жанр тушунчаси ўлмоқда. Жанрларни сақлаб қолишининг ягона йўли, газета журналлар, шу қатори радио эшиттиришлари ва телевизион кўрсатувларда, ҳаттоки интернетда ҳам қандайдир материал тайёрланса унинг қайси жанрга тегишли эканлигини кўрсатиш керак. Бу иш билан маҳсус шуғулланувчи мутахассисларни тайёрлаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, “Гулистон” журнали тажрибасини ўрганиш лозим. Журналдаги рукнлар ҳам жанрга кириш вазифасини ўтаган. Ўқувчига аён бўлиши учун маҳсус рукнлар ташкил этилган. Улар доимий, бир йиллик, бир ойлик, мавсумий, бир марталик бўлиб бўлинган.

²⁶ Асқад Мухтор. Уйқу қочганда. Т.: Маънавият, 2005.

Журналда мақолаларнинг турли руҳи остида берилган. Асарни руқнлаш ўқиши ташкиллаштиради ва сўз нима ҳақида боришлигини кўрсатиб, ўқувчини кейин келадиган матнни идроқ этишга тайёрлайди. Матнни қисмларга ажратиб, ўқувчини ўқишдан тўхтатади, унга тин олиб, янги матнни ўқишига ўтишдан олдин, ўқиганларини мулоҳаза қилиб кўриш имконини беради. Руқнлар асарни янада чуқурроқ тушунишга кўмаклашади.

“Гулистон” журналида “Халқаро мавзуларда” руқни остида жаҳонда сиёсий, маданий, иқтисодий ва ижтимоий саҳоларда рўй бераётган воқеа ҳодисалар ёритиларди. Хуллас долзарб мавзудаги адабий-танқидий материаллар журналнинг ҳар бир сонида муштариylар хукмига ҳавола этиларди. Шу туфайли жунал мухлислари кундан кунга кўпайиб, журнал тиражи ҳам ўсиб борган. Масалан 1970 йили 7 сони 178100 та, 1975 йили 7сони 248094 та, 1979 йили 12 сони 263806тани ташкил этган.

Белгили шоир, ёзувчи, олим ва илм фидойиларининг таваллуд куни муносабати билан журналда мақолалар чоп этилган. “Мирзо Турсынзода 60 ёшда” (Тожикистанда туғилган атоқли шоир ва жамоат арбоби), Ф.Достоевскийнинг 150 йиллиги, Абу Наср Форобийнинг110 йиллигига бағишилаб Музаффар Ҳайруллаев “Шарқ Аристотели” мақоласини ёзган. Беруний туғилган куннинг 1000 йиллигига “Асрларни аралаб...” каби бир марталик руқнлар ташкил этилган.

Шоирлик аслида гўзалликдан ҳайратланиш, гўзаликка шайдоликдан туғилса керак. Шу сабабданми, Гулчехра ижодида унинг тетапоя машқларидан кейинги йилларда яратилган етуқ шеърларигача ўлкамиз табиатининг гўзал манзараларини, ажойиб замондошларимиз нафис туйғуларга бой маънавий оламини қўйлаш бош матлаб бўлиб келаётганини кўрамиз, деб ёш шоира Гулчехра Нуруллаева шеърларига тақриз ёзди таҳрир санъати устаси Маҳмуд Саъдий. Ана шундай “Тиник шеърият” сўзбоши билан унинг “Ҳаёт” туркум шеърлари “Адабиётимизнинг ёш авлоди” руқни остида берилган. Умуман бу руқнда энди кўзга кўриниб келаётган истеъдодли ёшлар ижоди акс эттирилган.

Шунингдек, журналда фақат юртдошларимиз ижоди эмас “Жаҳон адабиёти” рукни остида чет эл ижодкорлари меҳнат маҳсули ҳам кенг турда ёритилган. Шотландиялик шоир Роберт Бёрнс шеърлари (Муҳаммад Али таржимасида), 1980 йилги 6 сонда рус шоири А.С.Пушкиннинг 180 йиллиги муносабати билан туркум шеърлари берилган.

“Оқ йўл” рукни остида адабиётга, санъатга умуман ижодка энди кириб келаётган ёшларга оқ йўл тилаб ижодидан намуналар бериб борилган. Мисол учун, “Бир ёш истеъдод ва бошқа баъзи масалалар ҳақида” мақоласида Темур Саъдуллаевнинг яъни ёш рассомнинг ижоди ҳақида сўз этилган. Шунингдек унинг Навоий, Бобур ғазалларига атаб чизган расмлари берилган.

“Гулистон” гурунги” рукни остида машҳур шахслар билан суҳбат уюштирилган. Масалан, “Ўзбек қомуси халқимиз ҳаёт кўзгуси” сарлавҳаси остида Ўзбекистон энсклопедияси бош муҳаррири, академик Иброҳим Муминов билан Маҳмуд Саъдинов суҳбатлашган. “Китоб тарқатиш мафкуравий иш” номли суҳбатда “Гулистон”нинг махсус мухбири Маҳмуд Садинов ёзувчи М.И.Шевердин билан китоб савдоси ҳақида суҳбатлашган.

“Гулистон”нинг жамоатчи мухбири Бахтиёр Назаров Ўзбек Давлат академик опера ва балет театри директори, санъатшунослик кандидати Фрунзе Содиқович Жўраев билан санъатнинг шу қунги тараққиёти юзасидан суҳбатлашади. Умуман суҳбатларда ҳар бир соҳага оид муаммолар айтиб ўтилган ва қатор таклифлар ўртага ташланган.

“Инсон ва қонун” рукнида юртимизда қабул қилинган қарорлар моҳияти очиб берилиши билан бирга содир этилган жинойи ишларга тайинларган жазо турлари ва воқеалар яритилган. Х.Иброҳимовнинг “Қингир ишнинг қилиғи” мақоласи бунга мисолдир.

“Тадқиқот, кашфиёт, ахборот” рукни остида Л.Н. Толстойнинг “Ясная Полянадан Андижонга хат” номли мактубининг “Туркистанский голос” газетасида босилган нускаси кўчирма қилинган. Шунингдек, “Ноёб мактублар” Али Қушчи ҳаётидан янги саҳифалар ошиб берилган. “Ўрта Осиёдан, лекин...” мақоласида ҳалқ ижодининг ажойиб қаҳромони Хўжа

Насриддин ҳақида, унинг тарихий шаҳс бўлганлиги ва у ҳақида турли фикр ва қарашлар асосида китоблар ёзилганлиги сўз этилади.

Шунингдек “Йил — ўн икки ой”, “Очил дастурхон” каби кичик руқнилар бўлган. “Йил — ўн икки ой” рукни остида ҳар бир ойга изоҳ берилиб, айнан шу ойда қайси буюк алломалар таваллуд топгани қандай унучилмас воқеалар бўлгани тўғрисида сўз этилган. Масалан февраль ойи тўғрисида IX асрда яшаган бутун дунёда Алфраганус номи билан маълум ва машҳур бўлган астроном ва математик Шайх Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ал Фарғоний феврални “фабрўарийўс” шаклида ёзганидан тортиб бугунги акунгача бу ойнинг календардан тушмай шаклланиб келгани айтилган.

“Очил дастурхон” рукнида миллий ва хорижий таомлар пиширилиш йўллари машҳур пазанда ва ошпазлар томонидан кўрсатилган.

“Таклифлар, истаклар” рукни остида инсонлар учун фойдали маслаҳатлар берилган. Масалан X.Муроднинг “Бир пиёла чой” мақоласи.

“Ўртоқларингиз ижодидан” рукни остида ҳам катталар ва ёшлар, баъзан болалар ижодидан намуналар берилган.

“Китоблар оламида” рукнида юртимизда чоп этилаётган ўзимизнинг ва чет эл адиларининг таржима асарлари кенг жамоатчиликка белгили бир мутахассислар томонидан таништирилиб, китобнинг афзалликлари, ўқувчига қандай маънавий озуқа бера олиши баён этилган.

“Ёзувчининг кўнгил дафтаридан” рукни остида шиор Миртемирнинг “Дўстим ва замондошим” сарлавҳали Ҳамид Олимжон ҳақида ёзилган мақоласи берилган. Муҳаммад Солиқнинг “Ҳемингуэй билан сухбат” мақолари чоп этилган.

“Марднома” рукнида уруш йиллари қаҳрамонлик кўрсатиб, ватан озодлиги йўлида жон берган юртдошлар ҳаёти акс эттирилган. Масалан “Жасур йигит орамизда” журналнинг 1 сонида чоп этилган генерал майор Собир Раҳимов кўмондонлиги дивизия жангчиларидан бири кўрсатган қаҳрамонлик тўғрисида фикр юритади. Асли қаҳрамон Ҳуррам Аширов

бўлади. У ҳақида ижобий фикр билдирувчи муаллиф эса Аҳмад Тажибоевдир.

“Дам олиш саотларида” рукнида дунё янгиликлари, латифа, қизиқарли факт, кроссвордлар берилган. Жумладан Болгар халқи оғўаки ижодидаги ажойиб юмор, ўткир латифа туфайли бу шаҳар номи жаҳонга машҳур бўлган. “Габровани биласизми? Сарлавҳаси остида ажойиб латифалар берилган.

“Халқ оғзаки ижоди” рукнида миллийлигимизни ўзида акс эттирувчи, халқимизнинг азалий тақдири билан боғлиқ бўлган адабиётимиз ўз аксини топган. У уқувчини ўзлигини англашга чорлайдиган, ўзлигига қайтишни таъминлайдиган бир восита эди. Уларда оддий эртаклардан тортиб, халқ достонларидан парчалар бериб борилган. Масалан, “Хушкелди” дастони расмлар билан берилиши ўқувчида тўлик тасаввур пайдо бўлишига ёрдам беради.

Яқин ва Ўрта Шарқ адабий меросида ахлоқий таълимий ривоятлар, нақллар ҳамда ҳикматлар кенг ўрин олган. Шундай дурдоноларни мужассамлаштирган “Қобуснома”, “Калила ва Димна” каби асарлар Шарқ халқларининг севимли китоби ҳисобланади. Айнан, “Нодир саҳифалар” рукни остида ана шундай сара асарлардан парчалар, буюк шахсларнинг эски қўлёзмаларидан таржималар, дидактик фикрлари бериб борилган.

Кенг оммага унча таниш бўлмаган Ҳусайн Ҳефзийнинг “Насиҳати ҳукамо ва мақолоти кубаро” (“Донишмандлар насиҳати ва улугбор мақоллари”) китобидаги ҳикматлардан намуналар ўқувчида ижобий тассурот қолдириши табиий эди. Журналнинг 1971 йил 4 сонида Туркман халқининг XVI асрда яшаган ҳассос шоири Муҳаммад Байрам ғазаллари чоп этилган. Шу руқн остида “Хеменгуэй Кубада” мақоласи ҳам берилган.

“Саломатлик — туман бойлик” рукнида доктор маслаҳати чоп этилган. “Гавҳарни тиллага алмашманг” (Ўз тишини олдириб, тилла тиш қўйиш ҳақида), О.Азизхўжаевнинг “Юракни асранг” мақолалари берилган.

“Ҳар тўғрисида бир шингил” рукни “Ойда кислород”, “Илон асраб қолди”, “Ой тупроғи ҳосилдор” каби кичик сарлавҳа остида қизиқарли маълумотлар берилган.

Бундан ташқари “Гулистон” журналида: “Улуг аждодларимиз”, “Навоий гулшани”, “Беш йиллик режаларимиз амалда”, “Шахмат”, “Боланинг тили ширин”, “Фарзандлар оталари ҳақида”, “Гулистон” ойнаси”, “Спорт”, “Табиат ва одамлар”, “Замондошларимиз”, “Устозлар меросидан” “Гулнинг тикони” каби эликка яқин рукнлар бўлган.

Ҳаттоқи бугунги кунгача рукнларнинг кўпчилиги сакланиб қолган айримлари ўзгаришга учраган аммо маъноси ўзгармаган. Масалан, “Иқтисод ва ислоҳат”, “Юз буюк сиймо”, “Замондошларимиз”, “Қадрият”, “Биз билмаган тарих”, “Азизлар ёди”, “Эҳтиром”, “Зангор фасл”, “Жаҳон ичра жаҳон”, “Ўзбек насли”, “Олис учрашув”, “Болалар саҳифаси”, “Руҳоният”, “Муаммо, муносабат”, “Гулчирой”, “Йўқлов”, “Табиат мактаби” ва бошқа рукнлар бунга мисолдир.

Шунгидек журнал йўналиши ҳам ҳозирда озмунча ўзгаришга учраган: “Гулистон” бугунги кунда ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий, безакли журнал бўлиб чоп этилмоқда. Худди аввалдагидек, 32 та саҳифали.

Журналдаги рукнларни бугунги қунда матбуот, телевидение, радио ва интернет учун ҳам жорий этиш мумкин. Бу учун “Гулистон” журналининг 1970-81 йиллардаги бой тажрибасини ўрганиш фойдалидир.

ХУЛОСА

Ўзбек матбуоти борасида сўз юритганда биринчи навбатда “Гулистон” журналини эътироф этиш ўринли. Сабаби журнал ўз даврида бирдан бир мукаммал журнал бўлган. Албатта журналнинг кенг оммалашувида, жамият орасида ўз ўрнини топиб, обрў қозонишида бош муҳаррирнинг тутган ўрни алоҳида ҳисобланади. Асқад Мухтор бош муҳаррир ва жонкўяр журналист, моҳир публицист сифатида журнал нуфузини ошириш учун тинимсиз ишлаган. Айтиб ўтиш керакки, ҳар қандай ОАВ тараққий этиши ёки таназзулга учраши бош муҳаррир салоҳиятига боғлиқ. Қачонки бош муҳаррир шахс сифатида ўз ўрнига эга бўлса, бу журналга ҳам катта таъсир кўрсатади.

Журналда чоп этилган материаллар ёшларнинг миллий ўзликни англашига, тарихимизни ўрганишга ва урф-одат анъаналарга содиқлик руҳида тарбиялашга, эркин фикр билдиришга бекиёс манба бўлиб хизмат қилган.

Бу борада Аскад Мухтор каби адиблар, халқ манфаати, миллат тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган шахсларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш ҳар томондан фойдалидир.

Дедим:

— Фарзандлар ва шогирдларни не илму ҳунарларга даъват этардингиз?

Дедилар:

— Ўғилларни заминга меҳр қўйиб, келажак касби бўлмиш — илмий техника тараққиёти уфқларини эгаллашларига хоҳишманд эдим.

Дедим:

— Ахир ерга меҳр қўйиш билан илмий техника тараққиёти қутбнинг икки томони ку?

Дедилар:

— Келажакда уларни бирлаштирадиган, уйғунлаштирадиган йигит қизларнинг қўли баланд келади. Зоро, Беҳбудий ҳазратлари таъкидлаганидек: “Ўтган замон учун эмас, келажак замон учун ишлайлик”.²⁷

Аскад Мухтор ўзидан олдинги давр руҳини, олим ва донишмандлар ижодини пухта ўргангандан, ўз ижодида қўллаган ва янгиликлар яратган ижодкор эди. У келажак авлодлар учун катта адабий мерос ва журналистлар учун ўлмас қоидалар яратиб кетган. Адибнинг эътироф этиш жоиз жиҳати у ҳеч қачон ўзидан қониқмаган. Доим ўрганиш ва изланишда бўлган.

Дедим:

Сиз қайта ҳаётга келсангиз, ижод йўлни танлармидингиз?

Ҳа, шу йўлдан борардим, лекин хатоларимни такрорламаслик пайида бўлардим.²⁸

²⁷ Нусрат Раҳмон. Аскад Мухтор дедилар. Т.: Чўлпон, 2003.

²⁸ Ўша манбаа

Инсон хато қилиш орқали хато қилмасликни ўрганади, иккинчидан ақлли кишилар бирорлар қилган хатони кўриб, тўғри йўл танлашади. Асқад Мухтор эса ишнинг кўзини билгувчи шахс эди. келинг бунга оддий бир мисол келтирамиз:

Асқад Мухтордан аввал иш юритган Иброҳим Раҳимов журналист сифатида яхши фаолият юритди, аммо унинг бир хатоси очик-ойдин ўзбек сиёсатини қўллаганди. Журналдаги русчалаштириш ва оврўполаштиришга қарши ўзбеклаштириш, шарқлаштириш учун кураш олиб борди; “революция” - “инқилоб”, “редакция” - “таҳририят”, “автор” - “муаллиф”, “поэзия” - “назм” ёки “шеърият” “проза” - “наср”, “философия” - “фалсафа” тарзida сўзларни муамалага киритди.

“Гулистан” миллий журналга айланиб бошлаганди. Шу боис журнал бош муҳаррири Иброҳим Раҳимовни ишдан олинди. Унга миллатчи тамғаси босилди. Бундай бўлиши табиий эди. Сабаби мутабид тузум даврида рус тилига нисбатан бундай қўполлик кечирилмасди, иккинчидан, миллий ўзликни англаш учун танланган бу ошқора сиёsat юқоридагиларга ёқмасди.

Асқад ака журналга бош муҳаррир бўлган йиллари эса русчалаштириш сиёстини қўллади. Кўпчилик энди журнал мустабид тузум қуролига айланади, деган фикрда эди. Лекин Асқад Мухтор бу қарашларни йўқقا чиқазди. Журнал компартия учун эмас халқ, миллат ва Ватан тараққиёти учун хизмат қила бошлади.

Асқад Мухтор оқилона сиёsat юритишни биларди. У ўзини совет хукуматига хизмат қилаётгандек кўрсатса ҳам аслида бу бир восита бўлган. У журналнинг 75% миллий йўналишдаги материаллар билан чоп эттирган. Дерлик “Гулистан”нинг ҳар бир сонида ўзликни англашга даъват этгувчи, инсонни етуклик сари ундовчи мақолалар, буюк бобокалонларимиз ижодидан намуналар берилган. Ҳар қанча қийин даврда яшамасин, Асқад Мухтор кўнгилдаги гапларини, кун муаммосини ўқувчига етказиб бериш йўлларини топган. У моҳир журналист (артист) бўлган.

Масалан, редакцияга кирап эшик ёнида катта Ленин суратини осиб кўйилган. Бу бежизга эмасди. Журнал ходимларни Ленинни пана қилиб ишлаган. Натижада ҳамма ишлар бир маромда кечган.

Сўз айтиш ва уни ўқувчига қандайдир йўллар билан етказиб бериш санъатини Асқад Мухтор фаолиятидан ўрганиш мумкин. У бош муҳаррирлик қилган “Гулистон” журнали эса катта бир маҳорат мактабидир. Унинг сирини билан ўқувчи албатта кўзлаган манзилга етиша олади.

Асқад Мухтор фаолияти Эрик Фихтелиуснинг “Журналистиканинг 10 қоидаси” асарида келтирилган “Журналист қандай бўлиши керак?” саволининг барча талабларга тўлиқ жавоб бера олади.

Асқад Мухтор ўз касбини севган ва жон дилдан ишлаган, ҳар хил ҳолат ва вазиятда энг муҳим гапни топиб айтган, узоқни кўзлаб, мустаҳкам режа асосида иш юритган, воқеалар оқимиға тўсқинлиқ қилмаган ҳолда доим вазиятни ҳолис баҳолаган, кузатувчан бўлган, журналнинг ўқишли бўлиши учун янги версиялар ўйлаб топган, энг асосийси тил маданиятига риоя қилган.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки Асқад Мухтор миллатсевар, ватанпарвар шахс эди. Юртбошимизнинг “Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадри, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин”²⁹ — деган сўzlари айни ҳақиқатдир. Асқад Мухтор бутун умри давомида миллат тараққиёти, миллий камолот йўлида хизмат қилган маърифатли шахс эди. Шунинг учун унинг ибратли ҳаёт йўли ёшларга ибрат бўла олади. Асосийси Асқад Мухторнинг “Гулистон” журналидаги бош муҳаррирлик фаолиятини ўрганиш маълум маънода ўзбек миллий журналистикасининг ҳар томонлама тараққий этишини таъминлайди.

Журнал тажрибасини ўрганган ҳолда кўйдагиларни таклиф сифатида киритсак бўлади:

²⁹ Каримов.И.А. Миллий камолот йўли.Т.: Ўқитувчи, 2001.

Ҳозирги журналлар учун ҳам маҳсус сонларни ташкил қилиш керак. Масалан, мустақиллигимизнинг нечадир йиллигига бағишилаб амалга оширилган ишлар ҳақида, турли вилоятларда қурилаётган янги уйлар ҳақида, юртимиизда бир йилда (масалан, “Обод турмуш йили”да) амалга оширилган ислоҳатлар, қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида, спорт ҳақида, бобокалонларимиз таваллуд айёми арафасида улар ҳақидаги маҳсус сонларни чоп этиш мумкин.

Иккинчидан газета, журналларда чоп этилаётган мақолалар тепасида қайси жанрга тегишли эканлигини кўрсатиб ўтиш, керакли руқнларни кўпайтириш керак. Учинчидан, ёш журналистларни тайёрловчи мактабларни ҳар бир таҳририят қошида ташкиллаштириш лозим.

Бугунги глобаллашув жараёнида ўзбек журналистлари миллий қадрияларимизнинг тўфонлар орасида йўқолиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Бу учун боболаримиз тажрибаси бизга доим кўмақдош бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 2007.
3. Каримов.И.А. Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т: Ўзбекистон, 2012.
4. Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
5. Каримов.И.А. Миллий камолот йўли. Т.: Ўқитувчи, 2001
6. Каримов.И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мулоқот журнали, 1998.
7. Аскад Мухтор. Ёш дўстларимга. Т.: Ёш гвардия, 1980.
8. Аскад Мухтор замондошлари хотирасида. Т.: Маънавият, 2003.
9. Ҳайриддин Султон. Бобурийнома. Т.:Шарқ, 1997.

10. Дўстмуҳаммадов Ҳ. Оммавий ахборот воситаларини ривожланишишнинг демократик андозалари. Т.:Ўзбекистон, 2005.
11. Худойқулов М. Журналистикага кириш. Т.:М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети босмохонаси, 2005.
12. Тогаев О., Асқад Мухтор. Т.: Бадиий адабиёт нашри, 1966.
13. Бойбўта Дўстқораев. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Т.: Faфур Ғулом, 2009.
14. Жаҳон журналистикаси тарихи. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006.
15. Сайдов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. Т.:Faфур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2008.
16. Эрик Фихтелиус. Журналистиканинг 10 қоидаси. Т.: Шарқ,2002.
17. Асқад Мухтор. Уйқу қочганда. Т.: Маънавият, 2005.
18. Санжар Содик. Янги ўзбек адабиёти. Т.: 2001.
- 19.“Гулистон” журналининг 1969-81 йиллардаги сонлари.
20. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2005 йил, 7 январь.
21. Қадр. Тошкент.: Маънавият, 2009.
22. Сойимов Б. Асқад Мухтор прозаси. Т.: Фан, 1969.
23. Худойқулов М.Журналистика ва публицистика.Т.: Тафаккур, 2011.

Интернет сайтлари:

1. www.literature.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.uza.uz
4. www.google.uz